

СОЛИҚ ва БОЖЖОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади № 29 (1301) • 2019 йил 16 июль ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

- АВ зарарига сотилганда соддалаштирилган ҚҚС объекти мавжуд бўладими? **3-бет**
- Қайта баҳолашдан мақсад не? **4-бет**
- Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор? **5-6-бетлар**
- Корхонанинг фойда солиғи: вазиятлар, мисоллар **7-12-бетлар**
- Божхона божи ставкалари: мувозанат сақлаш мавриди келмадики? **13-бет**
- Коррупция: жаҳон иқтисодиёти 2,6 трлн доллар зарар кўрмоқда **14-бет**
- Почта кутусида қандай савол бор? **16-бет**

✓ ХАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ РУҲИДА

Давлат божхона кўмитасида 2019 йил I ярим йиллик яқунларига бағишланган Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди

Видеоселектор шаклида ташкил қилинган йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар божхона бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ИБК, Божхона институти вакиллари ва Миллий кинология маркази шахсий таркиби иштирок этди.

Йиғилишда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5755-сон Фармони ижроси доирасида давлат божхона хизмати органлари томонидан амалга оширилган белгиланган чора-тадбирлар атрофлича муҳокама қилинди.

Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг инвестициявий муҳитини янада яхшилаш, адолатли рақобат тамойилларини жорий этишни таъминлаш ҳамда солиқ ва божхона тў-

ловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солишга хизмат қилиши таъкидланди.

Маълум қилинишича, жорий йилда давлат бюджетига салкам 7,2 трлн сўмлик божхона тўловлари ундирилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29,1 фоизга кўп демакдир. Натижада божхона тўловлари бўйича кўзланган режа 105,5 фоизга бажарилган.

Республикамиз божхоначилари томонидан контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш йўналишида ўтказилган ва божхона кўриклари натижасида 8 621 та

хуқуқбузарлик аниқланиб, 102,7 млрд сўмлик товарларнинг ноқонуний оғиб ўтилиши ва яширин айланмаси фош қилинган.

Жумладан, 18,6 кг гиёҳвандлик воситалари, 29 минг 995 дона психотроп таблеткалар, 43 та қурол, 8,6 мингдан ортик тақиқланган диний мазмундаги материаллар ўз вақтида тўхтатиб қолинди.

Божхона органларида хавфларни бошқариш тизимининг жорий этилиши божхона назоратини камайтириш, унинг сифатини яхшилаш, мавжуд куч ва воситалардан мақбул фойдаланиш, божхона назоратини ўтказиш ҳамда расмийлаштириш учун сарфланган вақтни қисқартириш ва унинг самарадорлигини оширишга имкон берди.

Масалан, божхона расмийлаштирувидан ўтказилган



юкларнинг 60 фоизи, хусусан экспортга мўлжалланган юкларнинг 82 фоизи божхона кўригидан ўтказилмади. Шунга қарамай, тизим кўмагида божхона хуқуқбузарликларини аниқлаш самарадорлиги деярли 4 баробарга ошди ва натижада ундирилиши лозим бўлган 18,6 млрд сўмлик қўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.

Товарларнинг экспорт учун

2-бетда

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ҚҚС:

2020 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН НИМА ЎЗГАРАДИ

Президент 10.07.2019 йилдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сон қарорни имзолади.

Жарималар – фақат молиявий

Тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ва ходимлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар солиққа оид хуқуқбузарликлар учун жиноий ва маъмурий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Бунинг учун тадбиркорлик субъекти:

- аниқланган хуқуқбузарликни тан олиши;
- солиқ органининг қарорини олган кундан эътиборан 10 кун муддат ичида молиявий жарималарни ихтиёрий равишда тўлаши керак.

ҚҚС – янги қоидалар


- 2020 йил 1 январдан бошлаб:
- ҚҚСни тўлашга ўтадиган юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар солиқ органларида ушбу солиқнинг тўловчиси сифатида мажбурий ҳисобга олинади ва бу ҚҚС суммасини ҳисобга олишнинг шарти ҳисобланади;
- ҚҚСни тўлашга ўтишда унинг суммаси ҚҚСни тўлашга ўтилган санадан аввалги охириги

12 ойда харид қилинган товар-моддий захира-ларнинг тасдиқланган қолдиқлари бўйича реализация ҳажмига мос келадиган улусда ҳисобга олинади;

• ҚҚСни тўлашга ўтиш ёки ЯСТни тўлашни рад этиш тўғрисидаги хабарнома ҚҚСни тўлашга ўтиладиган ой бошланишидан олдин 10 иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

«Tax free», солиқ кредити ва бошқа топшириқлар

Биринчидан, онлайн-НКМлари чеклари билан тасдиқланган харажатлар бўйича жисмоний шахсларга даромад, мол-мулк ва ер солиқлари бўйича чеғирмалар бериш ёки чекларда кўрсатилган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариб бериш режалаштириляётир. ДСҚ аниқ тақлифларни 2 ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритиши лозим. Келаси йилдан бошлаб эса инсофли тадбиркорларни рағбатлантириш ва жамоатчилик назоратини ривожлантириш мақсади-



да «Чекни талаб қил ва совға ютиб ол» оммавий акцияларини ўтказишни бошлайдилар.

Иккинчидан, Молия вазирлиги ва ДСҚ 3 ой муддатда қуйидагиларга тааллуқли тақлифларини Вазирлар Маҳкамасига киритади:

- чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон чегарасини кесиб ўтишда харид қилинган товарлар учун тўланган ҚҚСни қайтариш («Tax free») тартибини белгилаш;
- солиқлар бўйича тўловларни кейинчалик бўлиб-бўлиб фоизи билан қайтариш орқали камай-тиришни назарда tutувчи «инвестициявий солиқ кредитлари» институтини жорий этиш;
- молиявий жарималарни ундиришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш: қарорни олган кундан бошлаб унинг 50%ини 10 кун давомида ихтиёрий равишда тўлаганда, қолган суммани тўлашдан озод этилади;
- ялпи тушумнинг чегаравий миқдорини сунъий пасайтиришга

2-бетда

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ РУҲИДА

1-бетда сарфланган вақт 2018 йилдагига нисбатан 4,3 мартага кискариб, 39 дақиқани, импорт учун сарфланган вақт эса 2 баробарга кискариб, ўртача 21 соатни ташкил қилмоқда.

Эришилган натижаларга қарамай, соҳада ўз ечимини қутаётган масалалар ҳам борлиги йиғилишда алоҳида қайд қилинди. Танқидий таҳлил руҳида ўтказилган тадбирда тизимда йўл қўйилган қатор камчиликлар атрофлича муҳокама қилинди. Кўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ўз вақтида ундириш, божхона тўловларини ҳисоблашда муҳим аҳамият касб этувчи божхона қийматини тўғри белгилаш каби масалалар шулар жумласидандир.


Ҳозирда юртимизда пишиқчилик палласи. Табиийки, бу даврда мева-сабзавотларнинг хорижга экспорти қўлами янада ошади. Айни пайтда маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришда божхона ходимлари туну-кун экспортчиларга қўмақлашмоқда.

Йиғилишда кун тартибидаги яна бир долзарб масала кўриб чиқилди. Таҳлилларга кўра, ҳисобот даврида дори-дармон ва тиббиёт буюмлари, психотроп таблеткалар ва заргарлик буюмларини ноқонуний равишда олиб ўтишга уринишлар сезиларли равишда ортган. Бу эса ҳудудий божхона бошқармалари томонидан ушбу йўналишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишни талаб қилади. Бунда, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан унумли фойдаланиш бўйича масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

Шунингдек, тизимда коррупцияга қарши курашишда муросасиз мухитни шакллантириш масалалари чуқур таҳлил қилинди.

Хайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ДБҚ Ахборот хизмати.



1-бетда қаратилган хатти-ҳаракатларга (бўлиниш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва бошқалар) чек қўйиш. Мазкур ҳолатлар аниқланганда тўланиши лозим бўлган солиқлар суммасига солиқ органлари тузатиш киритиши ва уларни суд тартибида ундириши мумкин.

Учинчидан, 2019 йил 1 декабрга қадар солиқ ҳисоботини топшириш тизими билан интеграция қилинган Бухгалтерия ҳисобининг ягона ахборот тизимини ишга туширишлари керак. У бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш ҳамда солиқ органлари билан реал вақт режимида маълумотлар алмашиш имконини беради. 1.01.2020 йилдан бошлаб бу тизимдан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти ушбу дастурий маҳсулотни қўллаган даврида текширилмайди.

Тўртинчидан, Транспорт вазирлиги 3 ой муддатда «UzTaps» ягона интерактив ахборот тизими базасида «Юк ташишлар мониторинги»

ҚҚС: 2020 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН НИМА ЎЗГАРАДИ

роти тизимини ишга туширишлари керак. У бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш ҳамда солиқ органлари билан реал вақт режимида маълумотлар алмашиш имконини беради. 1.01.2020 йилдан бошлаб бу тизимдан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти ушбу дастурий маҳсулотни қўллаган даврида текширилмайди.

Тўртинчидан, Транспорт вазирлиги 3 ой муддатда «UzTaps» ягона интерактив ахборот тизими базасида «Юк ташишлар мониторинги»

ахборот платформасини ишлаб чиқади. У юк ташувчилар томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини (ҳисобварақ-фактура (инвойс), юкхат ва бошқа ҳужжатларни) рўйхатдан ўтказишни, юк жўнатувчилар ва уни қабул қилиб олувчилар томонидан реал вақт режимида товарлар ҳаракатини мониторинг қилишни таъминлайди. Келаси йил бошидан бошлаб юк ташувчилар томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини ахборот платформасида рўйхатдан ўтказиш мажбурий бўлади.

1 СЕНТЯБРДАН ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛУВЧИЛАРГА – ГУВОҲНОМА

Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди (ВМнинг 9.07.2019 йилдаги 566-сон қарори).

Ўзини ўзи банд қилганлар ким

Улар жумласига қуйидаги жисмоний шахслар қиради:

- меҳнат даромади олишга йўналтирилган жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган;

- яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган;
- ўз фаолиятида ёлланма ходимлар меҳнати билан фойдаланмайдиган жисмоний шахслар.

Яқка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари, хунармандчилик фаолияти субъектлари ва деҳқон ҳўжаликлари аъзолари ўзини ўзи банд қилувчилар деб ҳисобланмайди.

Вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари 24 та фаолият тури бўйича берилади (Рўйхат, 566-сон ВМҚга 3-илова). Айрим бандлари баъзи чекловлар билан Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига (7.01.2011 йилдаги 6-сон ВМҚга 1-илова) мос келади. Масалан, ўзини ўзи банд қилиш мақомида репетиторлик қилиш, мебель йиғиш ва таъмирлаш

билан шуғулланиши мумкин, лекин фақат уйда.

Гувоҳномада кўрсатилганлардан ташқари ўзини ўзи банд қилувчи ҳужжатнинг амал қилиш даврида 566-сон Рўйхатдаги инсталланган бошқа фаолият билан шуғулланиши мумкин.

Гувоҳнома нима беради

Биринчидан, солиқ имтиёзлари:

- ўзини ўзи банд қилиш сифатида меҳнат фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган даромадларга ЖШДС солинмайди;
- ташкилотлар жалб қиладиган кўрсатилган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш ЯИТ ҳисоблаб чиқариш объекти ҳисобланмайди.

Иккинчидан, меҳнат фаолияти ҳақиқатда бажарилган ёки бажарилмаганлигидан қатъи назар гувоҳномада кўрсатилган давр ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлиги пенсиясини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш стажига ҳисобланади.

Учинчидан, камида 6 ой амал қиладиган муддатга меҳнат гувоҳномасини расмийлаштирган ўзини ўзи банд қилувчи меҳнат органи тавсиясига кўра ўз фаолият тури учун имтиёзли микрокредитлар олиши мумкин.

Тўртинчидан, ўзини ўзи банд қи-

лувчиларга (3 ойгача давом этадиган) киска муддатли касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малака ошириш, шунингдек, тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш курсларида бепул ўқитиш кафолатланади.

Бешинчидан, ўзини ўзи банд қилганларга меҳнат қуролиларини (мотокультиваторлар, ўт ўричи ўроққилинчалари, перфораторлар, пайвандлаш аппаратлари ва ҳокazo), шахсий химоя воситалари ва иш кийимини имтиёзли асосда ижарага бериш пунктлари очилади.

Гувоҳнома қандай олинади

Аризани доимий яшаш жойидан қатъи назар (экстерриториаллик принципи бўйича) меҳнат органига бериш зарур. Буни шахсан тақдим этиш, вакил орқали, буюртма хат билан ёхуд электрон шаклда махсус онлайн-майдонча орқали амалга ошириш мумкин. Аризага 3x4 ўлчамли 1 та фотосурат ва тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Тўлов миқдори ҳужжат бериладиган муддатга боғлиқ ва базавий ҳисоблаш миқдорига қаррали ҳисобланади:

- 1 ойга – 0,5;
- 3 ойга – 1,4;
- 6 ойга – 2,6;
- 9 ойга – 3,7;
- 12 ойга – 4,5.

Амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар янги гувоҳнома олиш учун такроран мурожаат қилиш мумкин, бундай тақрорий мурожаатлар сони чекланмаган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 9.07.2019 йилдан кучга кирди.

Олег ЗАМАНОВ, «Norma» МЧЖ эксперти.

УШБУ СОНДА:

• ХАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

– Танқидий таҳлил руҳида

1-2-бетлар

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– ҚҚС: 2020 йил 1 январдан нима ўзгаради
– 1 сентябрдан ўзини ўзи банд қилувчиларга – гувоҳнома

1-2-бетлар

• СОЛИҚ СОЛИШ

– Солиқ оқибатларисиз ижарага олиш
– Тушум оширилгунга қадар ЯСТ тўлаш
– Ноль даражали ставка бўйича ҚҚС ҳисобга олинмади
– Норезидентлар хизматлари бўйича ҚҚС

– Автомобилни зарар билан сотишда солиқ оқибатлари

– Актив солиғини ҳисобга олган ҳолда

– Таннархга қараб белгилаш

– Баҳолаш – қайта баҳолаш эмас

– Уй-жой курдингизми – имтиёздан фойдаланиш

– ТМБ фойдаланишга топширилганда ҚҚС ҳисобга олинмайди

• ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

– «Солиқ маъмуриятчилигини таъминлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

– ЎЗР молия вазирининг «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақидаги» буйруғи;

– ЎЗР МБ Бошқаруви, МВ, ДСҚнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақидаги» қарори;

– ЎЗР ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қондаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги» буйруғи

5-6-бетлар

• БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

– Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи мисоллар ва ҳисоб-китобларда

7-12-бетлар

• БОЖХОНА

– Импорт божи ставкалари қандай мақбуллаштирилади

– Беланчадек чайкаләверамизми ёки мувозанатни сақлаб қоламизми?

– Иллатга нисбатан муросасиз бўлайлик

– «Эл нетиб топгай мени...»

– Ставкалар «осмондан тушади»ми?

– Омбор тутатилганда тўловларини қайтариш

13-16-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат бидирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davry nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

? Корхонамиз Россиядаги норезидент-юримдик шахсдан амборхона биносини ижарага олади. Тўлов манбаи сифатида корхонада ижара ҳақини тўлаш чоғида норезидентдан даромад солигини ушлаб қолиш мажбурияти юзага келадими?

СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИСИЗ ИЖАРАГА ОЛИШ

– Солиқ кодексининг 155-моддаси 3-қисмида ЎзР норезидентларининг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлари санаб ўтилган. ЎзР худудидан ташқарида кўрсатилган хизматлардан олиннадиган даромадлар тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларга кирмайди (Солиқ кодексининг 155-моддаси 4-қисми).

Корхонангизга Россия худудидан

хизмат кўрсатилаётганлиги сабабли тўлов манбаида норезидентларга даромад солиғи солинадиган объект мавжуд бўлмайди.

Мазкур контракт бўйича норезидентнинг хизматларига ҚҚС солиш объекти ҳам мавжуд эмас, чунки Ўзбекистон реализация қилиш жойи ҳисобланмайди (Солиқ кодексининг 202, 207-моддалари).

ТУШУМ ОШИРИЛГУНГА ҚАДАР ЯСТ ТЎЛАНГ

? Улгуржи савдо корхонаси ЯСТ тўларди. Тушум 1 млрд сўмдан ошганлиги муносабати билан 2019 йил июндан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтдик. 2019 йил январь-апрелда корхонада тушум бўлмаган. Майда тушум 8,2 млрд сўмни, июнда эса – 1,1 млрд сўмни ташкил этган.

Қайси даврдаги оборотларга ЯСТ, қайсиларига умумбелгиланган солиқлар солинади?

– Солиқ даврида олинган ялпи тушуми 1 млрд сўмдан ошган ЯСТ тўловчилар ялпи тушум белгиланган чегаравий миқдордан ошиб кетган ойдан кейинги ойнинг бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади (Солиқ кодексининг 351-моддаси 5-қисми). Сиз 2019 йил январь-майдаги ялпи тушумга ЯСТ солишингиз, 2019 йил июн-

дан бошлаб эса умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишингиз ва уларни тўлашингиз лозим.

ҚҚС солинадиган оборотлар 2019 йил 1 июндан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади. Фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган база 2019 йил 1 июндан олинган даромадлар ва сарфланган харажатлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКА БЎЙИЧА ҚҚС ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

? Компаниямиз сут маҳсулотларини ишлаб чиқаради. ҚҚС тўловчиси ҳисобланади, мутаносиб усулни қўллайди, ВМнинг 31.12.2018 йилдаги 1065-сон қарорига мувофиқ сут бўйича ҚҚС тўлашдан озод этилган. Сут учун импорт қадоклаш қўтиларини олдик, божхонадан ўтказиш чоғида ҚҚС тўладик. Харид қилинган товарлар бўйича тўланган ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақлимизми?

– Ҳа, тўланган ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақлисиз.

Солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мавжуд бўлганда солиқ солинадиган оборотга, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборотга, шунингдек юридик шахснинг ўз эҳтиёжлари учун (чегириладиган харажатлар сифатида қараладиган) оборотга тўғри келадиган ҚҚС суммаси ҳисобга олинади (Солиқ кодексининг 221-моддаси).

Ҳисобга олиннадиган ҚҚС суммаси мутаносиб усул бўйича умумий оборот суммасидаги солиқ солинадиган оборотнинг салмоғидан келиб чиқиб аниқланади.

МИСОЛ

Харид қилинган ТМБ бўйича ҚҚС	4 000	
Товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилиш оборотлари	35 000	100%
Солиқ солинадиган оборот	21 000	салмоғи 60% (21 000 / 35 000 x 100)
Солиқ солинмайдиган оборот	14 000	салмоғи 40% (14 000 / 35 000 x 100)
Реализация қилинган товарлар бўйича ҚҚС	4 200	
Ҳисобга олиннадиган ҚҚС	2 400	4 000 x 60%
Ҳисобга олинмайдиган ҚҚС	1 600	4 000 x 40%
Бюджетга тўланадиган ҚҚС	1 800	4 200 – 2 400

НОРЕЗИДЕНТЛАР ХИЗМАТЛАРИ БЎЙИЧА ҚҚС

? Россия Федерациясининг якка тартибдаги тадбиркори корхонага юкларни РФдан мамлакатимизга ташиш бўйича транспорт хизматларини кўрсатади. Хизматларга норезидентнинг даромадларидан 6% солиқни чегирган ҳолда рублда ҳақ тўланади. Бунда Тверь–Тошкент йўналиши бўйича юкларни ташиш хизматлари импортига ҚҚС тўланадими?

– ЎзР норезиденти томонидан кўрсатилган хизматлар, агар уларнинг реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса, улар ЎзР резидентининг солиқ солинадиган обороти ҳисобланади (Солиқ кодексининг 207-моддаси).

Хизматлар кўрсатаётган шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги асосида ёки доимий муассаса орқали хизматлар кўрсатган бўлса, Ўзбекистон худуди хизматларни реализация

қилиш жойи сифатида эътироф этилади (Солиқ кодексининг 202-моддаси 5-банди).

Корхонангизга транспорт хизматларини кўрсатадиган шахс (РФ ЯТТ) Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилганлиги асосида ёки ДМ сифатида фаолият юритмайди. Демак, корхонангизга тақдим этилган Тверь–Тошкент йўналиши бўйича юк ташиш хизматларига ҚҚС солинмайди.

АВТОМОБИЛНИ ЗАРАР БИЛАН СОТИШДА СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

? Корхона (МЧЖ, 6%лик соддалаштирилган ҚҚС тўлайди) енгил автомобилни зарарига сотаяпти.

Асосий воситани зарарига сотганда соддалаштирилган ҚҚС объекти мавжуд бўладими?

– Мазкур ҳолатда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлганингиз сабабли сизда соддалаштирилган ҚҚС солинадиган объект мавжуд.

Соддалаштирилган тартиб доирасида солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан белгиланади (Солиқ кодексининг 226-3-моддаси 3-қисми).

Солиқ солинадиган оборотлар бўйича қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган база ва Солиқ кодексининг 226-4-моддасида белгиланган фарқланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда Солиқ кодексининг 39-бобида назарда тутилган солиқни ҳисобга олишни қўлламадан ҳисоблаб чиқарилади (Солиқ кодексининг 226-3-моддаси 5-қисми).

Асосий восита зарарига сотилганда соддалаштирилган ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база етказиб бериш қиймати тенг бўлади.

МИСОЛ. Автомобилнинг қолдиқ қиймати – 40 млн сўм.

У 30 млн сўмга сотилган, ҚҚС ҳам ҳисобга киритилган.

Ҳисобланган ҚҚС 1,7 млн сўмни (30 / 106 x 6%) ташкил қилади.

АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

? Табиий газ етказиб берувчиси хусусий умумий овқатланиш корхонасига қуйидаги маълумотлар қайд этилган ҳисобварақ-фактура ни тақдим этди: етказиб бериш қиймати – 1 250 434,78 сўм, акциз солиғи – 187 565,22 сўм, ҚҚС – 287 600 сўм. Жами тўлов – 1 725 600 сўм. Етказиб бериш қиймати ва акциз солиғи суммасидан келиб чиқиб ҚҚС ҳисобланган. Корхона умумбелгиланган солиқларни ва 20% ҚҚС тўлайди. Ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган акциз солиғи ва ҚҚС қандай ҳисобга олинади?

– Умумий овқатланиш корхонаси акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилган табиий газ қийматини тан олиши лозим. Мазкур ҳолатда фойдаланилган табиий газ таннархи 1 438 000 сўмни (1 250 434,78 + 187 565,22) ташкил қилади ва харажатларни ҳисобга олиш счётига, масалан, 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётига киритилади.

Корхона 20% ҚҚС тўловчиси

бўлганлиги сабабли етказиб берувчи тақдим этган ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади (Солиқ кодексининг 218-моддаси). ҚҚС солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мавжудлиги ва танланган ҳисобга олиш усулидан (алоҳида-алоҳида, мутаносиб) келиб чиқиб ҳисобга олинади (Солиқ кодексининг 221-моддаси).

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

? Корхонага тегишли тракторни ижарага бермоқчимиз. Умумбелгиланган солиқларни тўлаймиз. Давлат томонидан ушбу техникага ижара тўловининг энг кам ставкалари белгиланганми? Қайси суммадан солиқ тўланади?

ТАННАРХИГА ҚАРАБ БЕЛГИЛАНГ

– Йўқ, кўчар мулк бўйича ижара тўловининг энг кам ставкалари белгиланмаган.

Солиқ солиш мақсадларида юридик шахслар учун фақат кўчмас мулкни ижарага беришда ижара тўловининг энг кам ставкалари белгиланган (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 24-банди).

Мол-мулкни ижарага бераётган корхона шартномада белгиланган ижара тўлови суммасини жами (яъни) даромадга киритади, кўчмас мулк бундан мустасно.

ҚҚС солиш мақсадида мол-мулкни ижарага беришга хизматлар кўрсатиш сифатида қаралади (Солиқ кодексининг 218-моддаси 8-қисми). Хизматлар таннархи (сизнинг ҳолатда трактор бўйича амортизация, техник кўрик ва бошқа харажатлар) белгиланган ижара тўловидан юқори бўлса, ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база хизматлар таннаридан келиб чиққан ҳолда белгиланишини ҳисобга олиш лозим. Мол-мулкни ижарага бериш асосий фаолият тури бўлса, фойда солиғи бўйича ҳам мазкур қоидага амал қилинади.

БАҲОЛАШ – ҚАЙТА БАҲОЛАШ ЭМАС

? Нотурар эсой МЧЖга қаралили. Мол-мулк солиғи йил бошида тўланган. ДСИдан ташқи манбалардан олинган ундаги маълумотларга кўра, бинонинг қиймати Солиқ ҳисоб-китобида кўрсатилганидан юқори бўлганлиги боис мол-мулк солиғини қўшимча тўлаш ҳақидаги талабномани олдик. Талабномада 5-сон БХМСнинг 28-бандига ҳавола келтирилган. ДСИ талабномасида қайд этилаётган қиймат мустақил баҳоловчи компания кредит олиш учун ўтказилган бўлганлиги натижасидир. Бизнинг МЧЖ ҳар йили АВларни қайта баҳолашни индекс усулида ўтказмадик. Мол-мулкни кредит олиш учун баҳолаш асосида қайта баҳолашни ўтказмадик. Мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқаришда банкдан кредит олиш учун баҳоланган кўчмас мулкнинг қиймати ҳисобга олинадими?

– Юридик шахслардан олинган мол-мулк солиғи бўйича унинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати солиқ солинадиган база ҳисобланади. Бу қиймат мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловининг ҳисоб сифатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация хажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади (Солиқ кодексининг 267-моддаси).

Яъни солиқ солиш мақсадларида мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра ҳисобланади. МЧЖда асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби 5-сон БХМС «Асосий воситалар»га (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва ҳисоб сифатида мувофиқ юритилади.

5-сон БХМСнинг 5-параграфида АВни қайта баҳолаш бўйича қуйидаги қоидалар келтирилган:

- қайта баҳолаш – АВ тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштиришдир (24-банд);
- АВ индексация йўли билан ёки расмий тасдиқланган бозор нархлари бўйича бевосита қайтадан ҳисоб-китоб қилиш орқали қайта баҳоланади (27-банд);
- Ҳисобот йилининг дастлабки санасидаги ҳолатга кўра ўтказилган АВни қайта баҳолаш на-

тижалари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши лозим (28-банд).

Эслаб ўтамиз, ҳисоб сифати календарь йил давомида ўзгармайди (АВ томонидан 17.08.1998 йилда 474-сон билан рўйхатдан ўтказилган 1-сон БХМСнинг 56-банди).

Шу тарика:

- корхона ҳисоб сифатида қайта баҳолаш ҳисобот йилининг 1 январидан индекс усулида ўтказилган бўлса, АВ баҳоси йил давомида ўзгармайди. Бошқача (бевосита) қайта баҳолаш усули ҳам қўлланиши мумкин эмас;

- корхона йил давомида муайян мақсадлар учун мустақил компанияга АВнинг муайян объектини ёки корхонадаги барча АВларни баҳолашни буюртма қилди, бу баҳо фақат кўрсатиш мақсадлар учун қўлланилади. Сизнинг ҳолатда АВ объекти банкдан кредит олиш мақсадида баҳолашдан ўтказилган.

Хулоса: мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун кўчмас мулк – АВнинг ўртача йиллик қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан аниқланади. Йил давомида ўтказилган кўчмас мол-мулкни баҳолаш уни қайта баҳолаш мақсадида ўтказилмаган бўлса, у АВга оид ҳисоб маълумотларига тасвир этмайди ва тегишли ҳисоб, мол-мулк солиғи суммасини ўзгартирмайди.

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

ЭЪЛОН

«Istiqbol Realtor Savdo» ХК бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига «TOSHKENT TRAMVAY» унитар корхонасига қарашли Тошкент шаҳрида жойлашган қуйидаги ним тортиш подстанциялари савдоларига қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Фарғона йўли ва Ок йўли кўчаси манзилида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 70 кв.метрдан иборат "Тол-Ариқ" №39 объекти, мулкнинг бошланғич нархи 80 616 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамш 2/1 мавзеси манзилида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 78 кв.метрдан иборат "Ураббаева" № 41 объекти, мулкнинг бошланғич нархи 78 479 016 сўм. 3. Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси манзилида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 144 кв.метрдан иборат "Фарҳадская" № 53 объекти, мулкнинг бошланғич нархи 166 915 000 сўм. 4. Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси манзилида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 926 кв.метрдан иборат "Б.Хмельницкий" № 7 объекти, мулкнинг бошланғич нархи 2 359 500 000 сўм. 5. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, УШНини кўчаси манзилида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 274 кв.метрдан иборат "Северная" № 71 объекти, мулкнинг бошланғич нархи 359 453 000 сўм. 6. Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси манзилида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 221 кв.метрдан иборат "Қушбеги" № 85 объекти, мулкнинг бошланғич нархи 276 480 000 сўм. 7. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси манзилида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 255 кв.метрдан иборат

"Большая" №73 объекти, мулкнинг бошланғич нархи 334 456 000 сўм. 8. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд Дарвоза кўчаси манзилида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 88 кв.метрдан иборат "Актепа" № 88 объекти, мулкнинг бошланғич нархи 130 553 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 16 август куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда ўтказилади. Талабгорлардан буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш қуилари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Буюртманомаларни ва закат тўловларини қабул қилиш 2019 йил 14 август куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолиб савдо натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи (мулк эгаси) билан кўчмас мулк объекти олди-сотди шартномасини имзолаши шарт.

Дастлабки савдоларда сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси мулк сотилувида қадар ҳафтигадан ҳар чоршанба кунлари соат 10.00 да юқорида кўрсатилган манзил ва шартларда ўтказилади. Такрорий савдолар учун талабгорлардан буюртманомаларни ва закат тўловларини қабул қилиш ҳар дунанба соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар буюртманомани савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этишлари лозим: юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳуж-

жатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; закат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Очик аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчисига билан «Заказат пули тўғрисидаги келишув»нинг имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «Istiqbol Realtor Savdo» ХКнинг АТ «O'zsonatqurilishbank» Яшнобод филиалида №2020 8000 9001 0334 9001 (МФО: 00432, СТИР: 200 553 098) ҳисобрақамга тўлашлари шарт.

Мазкур кўчмас мулк объекти баҳолаш ҳулосасида кўрсатилган рўйхат асосида сотилади. Банк харажатлари талабгорлар томонидан қопланади. Сотилиб, кейин савдо натижалари бекор қилинган ҳолларда, мазкур объект (мулк)нинг савдолари кейинги савдо қуиларида ташкил қилинади.

Маълумот олиш манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Телефон: 93-386-95-00, эл. почта: irsavdo@mail.ru Лицензия RR-0268.

Хизматлар лицензияланган.

«ISTIQBOL REALTOR SAVDO» ризлаторлик корхонаси томонидан 2019 йилнинг 7, 12, 19 июн кунлари ташкил қилинган очик аукцион савдоларида "Toshkent Tramvay!" унитар корхонасига тегишли Тошкент шаҳрида жойлашган кўчмас мулк объектлари савдоси натижалари қуйидагича бўлди:

Миробод тумани, Янги Кўйлик кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 86 кв.м дан иборат "Обводная" № 63 объекти 138 000 000 сўмга;

Учтепа тумани, 25 кварталда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 82 кв.м дан иборат "Гафур Фулом" № 15 объекти 94 500 000 сўмга;

Чилонзор тумани, Заргарлик кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 157 кв.м дан иборат "Ювелирная" № 52 объекти 200 000 000 сўмга;

Учтепа тумани, Истирохат кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 236 кв.м дан иборат "Озодлик" № 70 объекти 338 000 000 сўмга;

Учтепа тумани, 25-кварталда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 83 кв.м дан иборат "Чилонзор 25 квартал" но-зимхона объекти 114 500 000 сўмга;

Яшнобод тумани, Махтумқули 2-берк кўчасида жойлашган,

умумий фойдаланиш майдони 72 кв.м дан иборат "Сельмашска" № 19 объекти 95 600 000 сўмга;

Мирзо Улугбек тумани, Юзрабод кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 241 кв.м дан иборат "Крупская" № 69 нозимхона объекти 365 700 000 сўмга;

Яккасарой тумани, Кичик халка йўли кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 81 кв.м дан иборат "Корзинка" № 86 объекти 134 900 000 сўмга;

Учтепа тумани, Тошкент халка автомобиль йўлида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 86 кв.м дан иборат "МКАД" № 90 объекти 180 500 000 сўмга;

Миробод тумани, Авлиё Ота кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 166 кв.м дан иборат "Кафанова" № 67 объекти 258 000 000 сўмга;

Яккасарой тумани, Қушбеги кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 221 кв.м дан иборат "Қушбеги" № 85

объекти 657 000 000 сўмга;

Чилонзор тумани, Лутфий кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 75 кв.м дан иборат "Қурилиш" № 11 объекти 99 900 000 сўмга;

Миробод тумани, Туркистон кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 73 кв.м дан иборат "Шимолый вокзал" нозимхона объекти 110 300 000 сўмга;

Учтепа тумани, Бешқайрағоч кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 82 кв.м дан иборат "Октябрьская" № 12 объекти 96 600 000 сўмга;

Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 197 кв.м дан иборат "Ипподромная" № 55 объекти 253 700 000 сўмга;

Яшнобод тумани, Оҳангарон кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 68 кв.м дан иборат "Рохат-2" № 14 объекти 8 400 000 сўмга сотилди.

норезидентнинг банк карталаридан ечилганлигини тасдиқловчи чеклар;

жисмоний шахс – норезидент номига унинг Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларига чет элдан келиб тушган маблағларнинг ечилганлигини тасдиқловчи банк маълумотномалари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

**ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ҚОНДАЛАРИГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди,
рўйхат рақами 2219-11

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ-542-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 22 февралдаги 1-ю-сон буйруғи (рўйхат рақами 2219, 2011 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси

Нақд чет эл валютаси норезидент томонидан берилган шончанома асосида жисмоний шахс – резидентлардан қабул қилинганда, пул маблағлари ушбу жисмоний шахс-резидент томонидан чет элдан олиб келганлигини тасдиқловчи йўловчи божхона декларациясининг тақдим этилиши мажбурий шarti бўлиб ҳисобланади.».

қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 167-модда) билан тасдиқланган Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қондаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзгартиришларнинг 1, 2 ва 4-бандлари 2019 йил 1 сентябрдан кучга киради.

Вазир
Ш.САДИКОВ.

Тошкент ш.,
2019 йил 20 июнь
199-мх-сон.

ЎзР АТҚР вазирининг 2019 йил 20 июндаги 199-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ҚОНДАЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. 97-банддаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 100-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «энг кам иш ҳақи миқдорининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 101-банддаги «Давлат ветеринария кўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 107-банднинг «а» ва «б» кичик бандларидаги ҳамда 125-банднинг «а» ва «б» кичик бандларидаги «энг кам ойлик

иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 3-иловланинг 3-банди «в» кичик бандида: иккинчи хатбошидаги «Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошининг ўзбекча матнидаги «идоралари» деган сўз «органлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Давлат ветеринария кўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

*Ушбу буйруқ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 1.07.2019 йилдан кучга кирди.

РЕКЛАМА

**«КИЧИК-КОРХОНА
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**
Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз
Тошкент ш., Миробод тумани, Та.Винмаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЭРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

– ЎзР молия вазирининг «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи;

– ЎзР МБ бошқаруви, МВ, ДСҚ «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қондаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА***

Мамлакатда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкни изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисоботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг амалиётга жорий этилиши натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юки камайтирилди, айланма маблағлардан олинadиган солиқлар оптималлаштирилди, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни бекор қилиш ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкасини камайтириш орқали солиқ тизими қайта кўриб чиқилди.

Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда хуфийна айланмани қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликни тан олиб, давлат солиқ хизмати органларининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кун мuddат ичида молиявий жарималарни ихтиёрий равишда тўласа, тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар мазкур ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жиноий ва маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб: қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтадиган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар давлат солиқ хизмати органларида ушбу солиқнинг тўловчиси сифатида мажбурий ҳисобга олинadи ва бу қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олишнинг шarti ҳисобланади;

қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтишда ушбу солиқ суммаси қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтилган санадан аввалги охириги 12 ойда харид қилинган товар-моддий захира-ларнинг тасдиқланган қолдиқлари бўйича реализация ҳажмига мос келадиган улущда ҳисобга олинadи;

қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш ёки ягона солиқ тўловини тўлашни рад этиш тўғрисидаги хабарнома қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиладиган ой бошланғичидан олдин ўн иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

3. Қуйидагилар:

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда – «Йўл харитаси») 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Давлат солиқ кўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтларининг маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси:

а) уч ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларни киритсин:

чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтишда харид қилинган товарлар учун тўланган қўшилган қиймат солиғини қайтариш («tax free») тартибини белгилаш;

солиқлар бўйича тўловларни кейинчалик бўлиб-бўлиб фои-зи билан қайтариш орқали камайтиришни назарда тутувчи «ин-вестициявий солиқ кредитлари» институтини жорий этиш;

солиқ тўловчи – юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор унга нисбатан қўлланилган молиявий жарималар тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб, қўлланилган молиявий жарималар миқдорининг 50 фоизини ўн кун давомида ихтиёрий равишда тўлаганда, уни жарима суммасининг қолган қисмини тўлашдан озод этиш бўйича молиявий жарималарни унди-ришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 11.07.2019 йилдан кучга кирди.

**Қарорва 1–2-иловлар «СБХ»да берилмайдۇ. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Notma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

юридик шахслар ёки яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини қўллаш мақсадида ялпи тушумнинг чегаравий миқдорини сунъий пасайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга (булиниш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва бошқалар) чек қўйиш чораларини кўриш, мазкур ҳолатлар аниқланганда тўлашни лозим бўлган солиқлар суммасига давлат солиқ хизмати органлари томонидан тузатиш киритиш ва уларни суд тартибидида ундириш механизмларини жорий этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш ҳамда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида реал вақт режимида маълумотлар алмашиш имконини берадиган, солиқ ҳисоботини топшириш тизими билан интеграция қилинган бухгалтерия ҳисобининг ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда – Ягона ахборот тизими) ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда «UzTrans» ягона интерактив ахборот тизими базасида қўйидагиларни таъминлайдиган «Юк ташишлар мониторинги» ахборот платформасини (кейинги ўринларда – Ахборот платформаси) ишлаб чиқишни таъминласин;

юк ташувчилар томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини (ҳисобварақ-фактура (инвойс), юкхат ва бошқа ҳужжатларни) рўйхатдан ўтказиш;

юк жўнатувчилар ва уни қабул қилиб олувчилар томонидан реал вақт режимида товарлар ҳаракатини мониторинг қилиш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб:

Ягона ахборот тизимидан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти ушбу дастурий маҳсулотни қўллаган даврида текширилмади;

юк ташувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини Ахборот платформасида мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) икки ой муддатда: ҳўжалик юритувчи субъектларни давлат солиқ хизмати

органларида қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқсин;

онлайн назорат-касса машиналари чеклари билан тасдиқланган харажатлар бўйича жисмоний шахсларга даромад, мол-мулк ва ер солиқлари бўйича чегирмалар бериш ёки чекларда кўрсатилган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариб бериш тартибини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

б) 2020 йил 1 январдан бошлаб: давлат солиқ хизмати органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги (KPI) кўрсаткичларидан келиб чиқиб, уларни моддий рағбатлантириш, хизматда лавозимини ошириш, муҳофотлаш, интизоми чоралар қўллаш тизимини жорий этсин;

Савдо-саноат палатаси ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси билан биргаликда инсофли тадбиркорларни рағбатлантириш ва жамоатчилик назоратини ривожлантириш мақсадида «Чекни талаб қил ва совга ютиб ол» оммавий акциялари ўтказилишини ташкил этсин;

в) Стратегияни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин ҳамда Стратегияни амалга ошириш доирасида оммавий ахборот воситалари, илмий доира ва хорижий экспертлар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари кенг жалб этган ҳолда жойларда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманларини ташкил этсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2019 йил 10 июль
ПҚ-4389-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

ХАРИД ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюрман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон буйруғи (рўйхат рақами 3016, 2018 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2018 й.,

22-сон, 458-модда) билан тасдиқланган Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомага иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Д.КУЧКАРОВ.

Тошкент ш.,
2019 йил 26 июнь
79-сон.

*Ушбу буйруқ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 4.07.2019 йилдан кучга кирди.

СОЛИҚ 4
БОЖХОНА

№ 29 (1301) • 2019 йил 16 июль

ХАРИД ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР

1. Қуйидаги мазмундаги 87¹-Банд билан тўлдирилсин:
«87¹. Уч ёки ундан ортқ таплов иштирокчилари – маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда давлат харидлари буюртмачининг танловига кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга оширилиши мумкин.»

2. Қуйидаги мазмундаги 164¹-Банд билан тўлдирилсин:
«164¹. Уч ёки ундан ортқ тендер иштирокчилари – маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда давлат харидлари буюртмачининг танловига кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга оширилиши мумкин.»

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ХУДУДИДА НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-9

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 27 июлдаги 222-В, 89, 2002-62-сон қарори (рўйхат рақами 1165, 2002 йил 12 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат

қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 15-16-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомага иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси
М.НУРМУРАТОВ.
222-В-9-сон**

**Молия вазирлиги
Д.КУЧКАРОВ.
80-сон**

**Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.МУСАЕВ.
2019-42-сон**

Тошкент ш., 2019 йил 22 июнь.

ЎзР МБ Бошқаруви, МВ ва ДСҚнинг
2019 йил 22 июндаги 222-В-9, 80 ва 2019-42-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ХУДУДИДА НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР

1. Қуйидаги мазмундаги «к» кичик банд билан тўлдирилсин:

«к» жисмоний шахс – норезидент томонидан ташқи савдо шартномаси бўйича дебитор қарздорликларни сўндириш учун;»

2. Қуйидаги мазмундаги 4¹-Банд билан тўлдирилсин:
«4¹. Мазкур Низоมนинг 1-Банди «ж», «з», «к¹» ва «к²» кичик

бандларида назарда тутилган ҳолларда жисмоний шахс – норезидент томонидан қуйидаги ҳужжатлардан бири тақдим этилганда нақд чет эл валютаси банк кассасига қабул қилинади: жисмоний шахс – норезидент томонидан нақд чет эл валютасини чет элдан олиб келганлигини тасдиқловчи йўловчи божхона декларацияси; маблағлар банкомат (терминал) орқали жисмоний шахс –


*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 05.07.2019 йилдан кучга кирди.

РЕКЛАМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ»
электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕКЧИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФойДА СОЛИҒИ МИСОЛЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАРДА



Корхона ёки хусусий тадбиркор бизнесга қўл урар экан, бу соҳада муваффақият қозонишга интилади. Бизнесменлар маҳсулот ишлаб чиқариш, товар сотиб олиш ёки сотиш, хизматлар кўрсатиш чоғида фойда солиғини ҳисоблайдилар. Зеро ушбу солиқ мамлакатимиз Давлат бюджетининг даромад қисмини тўлдирувчи асосий манбалардан бири саналади.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР

Фойда солиғини қуйдагилар тўлайди:

- корхоналар – муайян шартларга жавоб берадиган Ўзбекистон резидентлари;
- норезидентлар – Ўзбекистон ҳудудида даромад олганда;
- нотижорат ташкилотлари – тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадларидан, тижорат тузил-

малари учун белгиланганидек шартларда (Солиқ кодексининг 126-моддаси).

Қонун ҳужжатларида юридик шахс солиқ тўловчининг даромадларидан фойда солиғини ушлаб қолиб, уни бюджетга тўлаши шарт эканлиги ҳам қайд этилган. Ушбу вазиятларда у фойда солиғи бўйича агент ҳисобланади.

Ўзбекистон резиденти бўлган корхоналар

Солиқ тўлаш шартлари

Қуйдаги ҳолларда юридик шахс – Ўзбекистон резидентида фойда солиғини тўлаш мажбурияти юзага келади (Солиқ кодексининг 126-моддаси):

а) унинг ялпи тушуми 1 млрд сўмдан ошса. У йил бошидан ортиб борувчи якун билан аниқланади. 1 млрд сўмлик чегаравий миқдордан ошиб кетса, корхона кейинги ойдан фойда солиғи тўловчисига айланади (Солиқ кодексининг 350-моддаси);

б) тушум ҳажмидан қатъи назар, у:

- акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарса. Акциз тўланадиган товарлар рўйхати Президентнинг 26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорига 19-иловада келтирилган;
- акциз тўланадиган уяли алоқа хизматларини кўрсатса;

- ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қавлаб олса (Солиқ кодексининг 350-моддаси).

Солиқ ставкаси

110-сатр – Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси, фойзда.

Ставкани 20% деб кўрсатинг, агар сиз:

- цемент ишлаб чиқарсангиз;
- полиэтилен гранулалар ишлаб чиқарсангиз;
- уяли алоқа хизматларини кўрсатсангиз.

Қолган ҳолларда 12%лик ставкани кўрсатинг (Солиқ кодексининг 159-1-моддаси).

Солиқ суммаси

120-сатр – Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси.

Солиқ солинадиган базани (Ҳисоб-китобнинг 100-сатри) солиқ ставкасига (Ҳисоб-китобнинг 110-сатри) кўпайтириб, солиқ суммасини аниқланг.

МИСОЛ. Корхонадаги ходимлар сони – 50 нафар. Уларнинг 10 нафари – ногиронлар.

Фойда солиғи – 1 000 минг сўм.

Ногиронлар салмоғи – 20% (10 / 50 x 100).

Яъни фойда солиғини 17%га (20 – 3) камайтириш мумкин.

Фойда солиғига тузатиш киритиш суммаси 170 000 сўмни (1 000 000 x 17%) ташкил этади.

Ҳисобланган солиқ суммаси

140-сатр – Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисобот даври учун ҳисобланган суммаси, жами.

Фойда солиғининг якуний суммасини аниқлаш учун:

- фойда солиғи суммасидан (Ҳисоб-китобнинг 120-сатри) ногиронлар меҳнатидан фойдаланганда солиқнинг тузатиш киритилган суммасини (Ҳисоб-китобнинг 130-сатри) чегиринг;

- Ўзбекистондан ташқарида тўланган, ҳисобга олиниши лозим бўлган солиқ суммасини чегиринг (Ҳисоб-китобга 7-илованинг 090-сатри);

- Ўзбекистондан ташқарида олинган дивиденд ва фойзалардан бюджетга тўланиши (+) ёки камайтирилиши (–) лозим бўлган фойда солиғи суммасини қўшинг (8-илова 3 ва 4-устунлари 060-сатрлари суммаси).

Алоҳида бўлинмалар бўйича солиқ

141-сатр – Шу жумладан алоҳида бўлинмалар жойлаш-

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланганда тузатиш киритиш

130-сатр – Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланаётган корхоналар учун фойда солиғининг тузатиш киритилган суммаси.

Ишловчиларнинг умумий сонининг 3%идан кўпрогини ногиронлар ташкил этса, фойда солиғи суммасини қуйдаги тартибда камайтиришингиз мумкин: нормадан (3%) ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизи солиқ суммасини 1 фоизга камайтиради (Солиқ кодексининг 158-моддаси).

Бу ҳам имтиёз. Унинг ҳисоб-китоби бошқа имтиёзлар ҳисоб-китобидан фарқ қилиши сабабли у алоҳида сатрга ажратилган.

ган жойи бўйича (алоҳида бўлинмага тўғри келадиган Фойда солиғи суммалари ҳисоб-китобидан келиб чиқиб).

Фойда солиғини мустақил солиқ тўловчилар бўлмаган алоҳида бўлинмаларни инobatга олган ҳолда умуман корхона бўйича, шунингдек бўлинмалар бўйича алоҳида ҳисобланг.

141-сатрда бўлинмалар бўйича ҳисобланган фойда солиғи суммасини акс эттиринг.

Умуман корхона бўйича фойда солиғи ҳисоб-китобини у солиқ бўйича ҳисобга олинган жойда, ҳар бир алоҳида бўлинма бўйича ҳисоб-китобларнинг нусхаларини унга илова қилган ҳолда тақдим этинг (ВМнинг 27.02.2017 йилдаги 105-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 13-банди «а» кичик банди).

Алоҳида бўлинмалар бўйича фойда солиғи ҳисоб-китобларини улар жойлашган жойдаги солиқ органларига тақдим этинг.

«Норма» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

Давоми бор.

РЕКЛАМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани Та.Литмаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz; web: www.norma.uz

1-ВАЗИЯТ.

Матбаа корхонасининг жорий йил январь–март ойларидаги ялпи тушуми ҳажми 900 млн сўми, январь–апрель ойларида эса 1 200 млн сўми ташкил этди. Корхона апрель ойида 1 млрд сўмлик чегаравий миқдордан ошганлиги сабабли май ойидан бошлаб фойда солиғини тўлайди. Бунда январь–апрель ойлари учун солиқлар қайта ҳисобланмайди.

Йил якунларига кўра белгиланган чегаравий миқдорга етганда ҳам кейинги йил бошидан бошлаб фойда солиғини тўлайсиз.

2-ВАЗИЯТ.

Саёдо корхонасининг 2019 йил январь–ноябрь ойларидаги ялпи тушуми ҳажми 950 млн сўм, 2019 йилда – 1 200 млн сўм. Корхона 2020 йил январдан бошлаб фойда солиғини тўлайди.



Воситачилик ташкилотлари учун 1 млрд сўмлик чегаравий миқдор ялпи тушумга эмас, балки товар айланмасига (битим суммасига) нисбатан қўлланилади.

ВАЗИЯТ.

Воситачи корхонасининг январь–март ойларидаги товар айланмаси 900 млн сўми, воситачилик ҳақи суммаси 45 млн сўми ташкил этди. Январь–апрель ойлари учун теггишнча – 1 200 млн сўм ва 60 млн сўм. Корхонасининг тушуми (60 млн сўм) белгиланган чегаравий миқдордан анча кам бўлса-да, май ойидан бошлаб солиқ солишининг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқсиз фойда солиғини тўлайди. Сабаби – товар айланмаси ҳажми – 1 200 млн сўм – 1 млрд сўмлик белгиланган чегаравий миқдордан ошган.

Резидентнинг танлаш ҳуқуқи

Корхона қуйидаги ҳолларда ягона солиқ тўлови ўрнига фойда солиғи тўлашни мустақил равишда танлашга ҳақли:

- давлат рўйхатидан ўтаётганда;
- тушуми 1 млрд сўмдан ошмагунча.



Қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига олувчи солиқ солишининг умумбелгиланган тизими доирасидаги фойда солиғи тўланиши мумкин.



Корхонани рўйхатдан ўтказаятганда солиқ солишининг умумбелгиланган тизимини танланг, агар:

- маҳсулот етказиб берувчи ва харидорларингиз ҚҚС тўловчиси бўлса;
 - рентабеллигингиз (фойда/тушум x 100%) ўрта ҳисобда 30%дан ошмайдиган бўлса.
- Бу ҳолда:
- фойда кўрмаган тақдирингизда солиқ тўламайсиз, ЯСТни эса корхона зарар кўриб ишлаётганда ҳам тўлашга тўғри келади;
 - фойда олганингизда солиқ суммаси ЯСТга нисбатан камроқ бўлади.

МИСОЛ. Корхона 1 январдан 1 кв. метри учун ойига 2 500 сўмлик ставкада майдони 1 000 кв. метрлик омборхоналарни ижарага беради. Шартнома бўйича ижара ҳақи ойига 2 500 000 сўми (1 000 x 2 500) ташкил этади.

Омборхоналарнинг 1 кв.м учун белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкаси – 1 йил учун 31 400 сўм. Бир ой учун энг кам ставка 2 617 сўмга (31 400 / 12) тенг.

Энг кам ижара ҳақи – ойига 2 617 000 сўм (1 000 x 2 617).

Энг кам ижара ҳақининг шартномадагидан ошган суммаси 117 000 сўми (2 617 000 – 2 500 000) ташкил этади.

Корхона 1 чорак учун Ҳисоб-китобнинг 040-сатрида 351 000 сўми (117 000 x 3) акс эттиради, II чорак учун – 702 000 сўми (117 000 x 6) ва ҳ.к.

Чегирилмайдиган харажатлар

050-сатр – Чегирилмайдиган харажатлар (солиқ солинадиган базага қайта қўшиладиган харажатлар) (Ҳисоб-китобга 2-илованинг 010-сатри).

Чегирилмайдиган харажатлар Солиқ кодексининг 147-моддасида белгиланган. Бу корхонасининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлар. Улар бухгалтерия ҳисобининг харажатлар счётида акс эттирилади, бироқ фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритилади.

Келгусида чегириладиган харажатлар

060-сатр – Келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириладиган ҳисобот даврининг харажатлари (Ҳисоб-китобга 3-илованинг 010-сатри 3-устуни – 010-сатри 4-устуни).

Ушбу харажатлар юзга келган пайтда солиқ солинадиган фойдадан чегирилмайди, чунки асосан келгусида фойда олиш учун сарфланадиган харажатлар ҳисобланади. Шу сабабли улар келгусида чегирилади. Ушбу харажатлар Солиқ кодексининг 146-моддасида белгиланган.

Дивиденд ва фоизлар

070–072-сатрлар – Олиниши лозим бўлган (олинган) дивидендлар ва фоизлар:

- жами;
- Ўзбекистон Республикасида;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқарида.

Ҳисоб-китоб бошидаги солиқ тўлангунга қадар фойда («Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»нинг 240-сатри) дивиденд ва фоизларни ўз ичига олади. Уларга тўлов манбаида 5%лик ставкада солиқ солиниши сабабли солиқ солинадиган базани аниқлаш чоғида уларни чегириниш зарур.

Солиқ солинадиган фойда

080-сатр – Солиқ солинадиган фойда.

Қуйидагиларнинг суммасини қўшинг:

- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботта асосан аниқланган солиқ тўлангунга қадар фойда (Ҳисоб-китобнинг 010-сатри);
- товарлар (ишлар, хизматлар)ни таннархидан паст



нархда реализация қилишдан ва текинга беришдан кўрилган зарарлар (Ҳисоб-китобнинг 020-сатри);

- текинга олинган мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, ишлар, хизматлар (Ҳисоб-китобнинг 030-сатри);
- белгиланган энг кам ставкалардан ҳисобланган ижара ҳақининг шартномадагидан ошган суммаси (Ҳисоб-китобнинг 040-сатри);
- чегирилмайдиган харажатлар (Ҳисоб-китобнинг 050-сатри);

• келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириладиган харажатлар (Ҳисоб-китобнинг 060-сатри).

Қуйидагиларни суммадан айирасиз:

- солиқ солиш мақсадида даромад сифатида эътироф этилмайдиган тушумлар (Ҳисоб-китобнинг 011-сатри);
 - олинган (ёки олиниши лозим бўлган) дивидендлар ва фоизлар (Ҳисоб-китобнинг 070-сатри).
- Натижада солиқ солинадиган фойдани аниқлайсиз (Ҳисоб-китобнинг 080-сатри).

Имтиёзлар

090-сатр – Имтиёзлар (Ҳисоб-китобга 4-илованинг 3-устуни 030-сатри).

Имтиёзлар қуйидаги кўринишда берилади:

- фойдани солиқ солишдан озод қилиш;
- солиқ солинадиган фойдани камайтириш.

Имтиёзлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- доимий ва вақтинчалик;
 - корхонага тўлагича ёки муайян лойиҳани (дастурни) амалга ошириш, муайян маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш доирасида;
- Солиқ кодекси ёки бошқа норматив ҳужжатлар асосида.

Имтиёзлар ҳақида бу ерда батафсил ўқинг.

Солиқ солинадиган база

100-сатр – Солиқ солинадиган база.

Солиқ солинадиган базани аниқланг. Бунинг учун солиқ солинадиган фойдадан (Ҳисоб-китобнинг 080-сатри) имтиёзлар суммасини (Ҳисоб-китобнинг 090-сатри) айиринг.

Ҳисоб-китобнинг 030-сатрида фоизсиз қарзлардан фойдаланишдан олинган даромадни ҳам акс эттиринг. Бунда даромад юзага келади, сабаби сиз маълум муддатга пул маблағларини олгансиз ва улардан муайян фоиз тўлаш

мажбуриятисиз фойдаланаяпсиз. Бу текинга олинган мулкый ҳуқуқдир. Унинг қиймати қарз олинган санада МБ томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаси бўйича аниқланади.

МИСОЛ. Корхона 1 февраль кун 6 ойга 10 000 минг сўм миқдоридида фоизсиз қарз олди. У олинган санада қайта молиялаштириш ставкаси – 16 %. Қарз 31 июлда қайтарилди.

Ҳар бир ҳисобот даврида қарзга олинган пул маблағларидан фойдаланилган кунлар сонидан келиб чиққан ҳолда улардан текинга фойдаланишдан олинган даромадни аниқлаймиз.

I чорақда февраль ва март ойларида 59 кун (28 + 31) қарздан фойдаланилган. Даромад 258 630 сўмга (10 000 000 x 16% / 365 x 59) тенг.

II чорақда – 91 кун (30 + 31 + 30). Даромад – 398 904 сўм (10 000 000 x 16% / 365 x 91).

III чорақда – 30 кун. Даромад – 131 507 сўм (10 000 000 x 16% / 365 x 30).

Корхона I чорақ учун Ҳисоб-китобнинг 030-сатрида 258 630 сўмини акс эттиради. II чорақ учун – 657 534 сўмини (258 630 + 398 904). III чорақ учун – 789 041 сўмини (258 630 + 398 904 + 131 507).

Бунда қарз маблағларидан текинга фойдаланишдан олинган даромадлар бухгалтерия ҳисобидида акс эттирилмайди.

Қарз берувчига фоиз тўлаш шarti билан қарз берилган, бироқ фоиз ставкаси қарз олинган санада МБ томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан паст бўлган ҳолда ҳам даромад юзага келади.

МИСОЛ. Корхона 1 февраль кун 10%лик ставкада фоиз тўлаш шarti билан 6 ойга 10 000 минг сўм миқдоридида қарз олган. У олинган санада қайта молиялаштириш ставкаси – 16 %. Қарз 31 июлда қайтарилди.

Ҳар бир ҳисобот даврида қарзга олинган пул маблағларидан фойдаланилган кунлар сонидан келиб чиққан ҳолда улардан фойдаланишдан олинган даромадни аниқлаймиз.

I чорақда февраль ва март ойларида 59 кун (28 + 31) қарздан фойдаланилган. Даромад 96 986 сўмга (10 000 000 x (16 – 10)% / 365 x 59) тенг.

II чорақда – 91 кун (30 + 31 + 30). Даромад – 149 589 сўм (10 000 000 x (16 – 10)% / 365 x 91).

III чорақда – 30 кун. Даромад – 49 315 сўм (10 000 000 x (16 – 10)% / 365 x 30).

Корхона I чорақ учун Ҳисоб-китобнинг 030-сатрида 96 986 сўмини акс эттиради. II чорақ учун – 246 575 сўмини (96 986 + 149 589). III чорақ учун – 295 890 сўмини (96 986 + 149 589 + 49 315).

Бунда қарз маблағларидан фойдаланишдан олинган даромадлар бухгалтерия ҳисобидида акс эттирилмайди.

Куйидаги фоизсиз кредит ва қарзларни олаётганда даромадни қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб белгиланмаслик керак:

- банк кредитлари;
- Ўзбекистон Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида берилган қарзлар;
- норезидентлардан олинган қарзлар.

! Текинга олинган куйидаги мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, ишлар, хизматларни 030-сатрида кўрсатманг: Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида;
• сугурта шартномаларига асосан берилган сугурта қоллами кўринишида;
• телекоммуникациялар тармоқларида тезкор қидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари, шунингдек улардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш хизматлари.
Ушбу тушумлар корхонанинг даромади ҳисобланмайди.

Энг кам ижара ҳақи суммасининг шартномадаги суммадан ошиши

040-сатр – Давлатнинг кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланган ижара ҳақи миқдорини шартномада белгиланган ижара ҳақи миқдоридан ошган суммаси.

Ушбу сатрни кўчмас мулкни ижарага берувчи корхоналар тўлдирди.

Ошган суммани аниқлаш учун шартнома бўйича ижара

ҳақи ставкасини давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам ставкаси билан солиштиринг. Тошкент шаҳар ҳокимининг 11.01.2019 йилдаги 35-сон қарори билан ижара майдонларидан фойдаланиш мақсадларига қараб 2019 йилги Тошкент шаҳри учун ставкалар белгиланган.

Ошган суммани Ҳисоб-китобнинг 040-сатрида акс эттириб, жами даромадга киритинг. Бунда у бухгалтерия ҳисобидида акс эттирилмайди.

Янги ташкил этилган юридик шахслар учун солиқ солиш тизимини танлаш

ВАЗИЯТ.

Тадбиркорлик субъектини – юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишга аризани (ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Низомга 5-илова) расмийлаштираётганда 1.20 «Солиқ солиш тизими» бандида солиқ солишнинг умумий тизимини танланг. Солиқ солишнинг умумий тизимини танлаганда янги корхона қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлайди.

Календарь йил давомида ялпи тушуми 1 млрд сўмга етмагунча юридик шахс ўз ихтиёрига кўра фойда солиғини ҳам (ҚҚС билан бирга) тўлаши мумкин (Солиқ кодексининг 351-моддаси).

Умумбелгиланган солиқ солиш тизимига ўтишда умумбел-

гиланган солиқларни тўлашга ўтаётган ҳисобот чорагининг дастлабки 10 кун давомида солиқ органларига солиқ солиш тартибини қўллаш тўғрисида ёзма билдириш (9-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тақдим этинг.

ВАЗИЯТ.

ЯСТ тўловчи корхонанинг 2019 йил I чорагидаги хўжалик фаолияти таҳлил қилинганда у умумбелгиланган солиқларни тўлаши фойдали эканлиги маълум бўлди. Корхона 10 апрелдан кечиктирмасдан солиқ органларига умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши тўғрисида ёзма билдириш тақдим этиши керак.

Нотижорат ташкилотлари

Нотижорат ташкилотлари фойда олиш мақсадида ташкил этилмайди. Бироқ қонун ҳужжатлари уларнинг ўз устаси вазифалари доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишларини тақиқламайди.

Тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадлари 1 млрд сўмдан ошмаса, улар солиқ солиш тизимини танлашга ҳақли. Ушбу чекланган миқдордан ошганда танлаш ҳуқуқсиз умумбелгиланган солиқларни тўлайдилар (Солиқ кодексининг 350-моддаси).

Фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага бошқа даромадлар сифатида куйидаги тушумлар ҳам киритилмайди:

- мол-мулкни оператив ёки молиявий ижарага беришдан;
- номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини беришдан (роялти) (Солиқ кодексининг 130-моддаси).

ВАЗИЯТ.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ёш тадбиркорларга юридик ва таълим йўналиши бўйича кўмак бериб, устаси фаолияти доирасида бизнесни йўлга қўйишда ёрдам беради. Ушбу фаолият жамғарма аъзоларининг мажбурий бадаллари ва бошқа шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига молиялаштирилади. Бундан ташқари, жамғарма консалтинг хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузади. Бундай шартномалар бўйича тушум тадбиркорлик фаолиятдан олинган солиқ солинадиган даромад бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар

Куйидаги ҳолларда корхонангиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи деб ҳисобланади:

- ушбу мақсадлар учун ажратилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирса ва уни қайта ишласа;
- ушбу фаолият умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 50%ини ташкил этса.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи бюджетга ягона ер солиғини тўлайди. Бироқ бошқа фаолият турлари билан шугулланганда куйидаги ҳолларда умумбелгиланган солиқларни тўлайди:

- акциз тўланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарганда (хизматларни кўрсатганда) ёки ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қавлаб олганда;
- қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган фаолият бўйича 1 млрд сўмгача тушум тушганда – ўз ихтиёрига кўра;
- қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган фаолият бўйича 1 млрд сўмдан ортқ тушум тушганда – мажбурий тартибда.



Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир вақтда бошқа фаолият турлари билан шугуллансангиз, барча даромадлар ва харажатлар моддалари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритинг. Бу ҳар бир фаолият туридан олинган фойдани тўғри аниқлаш ва солиқларни тўғри ушлаб қолиш имконини беради.

ВАЗИЯТ.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона ҳисобот йилининг январь–март ойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишдан 1 500 млн сўм ва мөва-сабзавот маҳсулотларининг улгуржи савдосидан 900 млн сўм миқдоридан тушум олган. Январь–апрель ойларида ушбу кўрсаткичлар тегшишча 1 700 ва 1 100 млн сўмни ташкил этган.

Корхона қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш доирасида ягона ер солигини тўлайди. Апрель ойида улгуржи савдо бўйича тушум 1 млрд сўмдан ошганлиги сабабли корхона ушбу фаолиятдан олинган даромадлар бўйича май ойидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни, шу жумладан фойда солигини тўлайди. Бунда январдан апрелгача бўлган ўтган давр учун солиқлар (ЯСТ ёки умумбелгиланган солиқлар) қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Йил якунлари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бутун ишлаб чиқариш ҳажмининг 50%идан кам бўлиб чиқиши мумкин. Бунда корхонангиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун белгиланган барча мезонларга жавоб бермай қолади. Бу ҳолда янги

йилдан бошлаб ё ЯСТ (ўтган йилги фаолият тури ва тушум ҳажми даражаси тўғри келса), ёхуд умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтасиз. Бунда янги йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишдан тушган тушумга ҳам ушбу солиқлар солинади.

ВАЗИЯТ.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона узум етиштиради. Унинг бир қисмини сотади, бошқа қисмидан вино ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланади.

Корхона ягона ер солиғи ва вино ишлаб чиқариш фаолияти доирасида умумбелгиланган солиқларни тўлайди.

Йил якунларига кўра винони реализация қилиш ҳажми узумни реализация қилиш ҳажмидан ошиб, умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 50%идан ортиқни ташкил этди. Шу сабабли корхона янги йилдан бошлаб умумбелгиланган солиқларни, шу жумладан узумни реализация қилишдан тушган тушумдан ҳам тўлаши лозим.

Ушбу корхона солиқ солиш тизимини танлашга ҳақлими? Йўқ, сабаби вино – акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланади.

Ўзбекистон норезиденти бўлган корхоналар

Ўзбекистонда фаолиятни доимий муассаса (ДМ) орқали амалга ошираётган норезидентлар фойда солигини тўлашлари шарт (Солиқ кодексининг 126-моддаси).

Норезидент кетма-кет 12 ой давомида 183 календарь кундан ортиқ муддат Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланса, доимий муассасани рўйхатдан ўтказиши шарт (Солиқ кодексининг 20-моддаси). ДМни рўйхатдан ўтказиш – норезидентнинг Ўзбекистондаги солиқ мақомини расман эътироф этиш демак.

Ўзбекистонда фаолият бошлаган кундан эътиборан 183 кундан кечиктирмасдан ДМ фаолият юритаётган жой-

даги солиқ органларига доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисида ариза тақдим этинг. Аризага шартнома ёки норезидент номидан Ўзбекистонда иш юритиш учун берилган ишончнома, шунингдек мажбуриятларининг бажарилиши доимий муассаса ташкил топишига олиб келадиган шартнома илова қилинг (Солиқ кодексининг 80-моддаси).

Солиқ органлари ҳисобга қўйиш тўғрисида ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар асосида:

- норезидентга солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) беради;

Товарни реализация қилишдан олинган натижани аниқлаймиз:

Кўрсаткич	Тўғри	Нотўғри
Реализация қилиш қиймати	1 100	1 100
Харид қилиш қиймати	1 200	1 000
Реализация қилишдан олинган натижа	- 100	+ 100

Биринчи ҳолатда харид қилиш қийматида товарни харид қилган воситачининг воситачилик ҳақи (200 минг сўм) ҳисобга олинган. 1 100 минг сўмлик қийматда реализация қилинганда 100 минг сўм зарар кўрилган, у Ҳисоб-китобнинг 020-сатрида акс эттирилади.

Иккинчи ҳолатда харид қилиш қиймати воситачининг воситачилик ҳақини ҳисобга олмасдан аниқланган, шу сабабли ижобий натижа олинган. Бу нотўғри!



Таннархидан паст нархда реализация қилишдан кўрилган зарарларни аниқлаш чоғида қуйидаги ҳолларда юзага келган зарарларни ҳисобга олманг:

- нархларни давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганда;
- Махсус эксперт комиссиясининг қарорига асосан ўзи ишлаб чиқарган товарлар жаҳон бозори нархларида экспорт қилинганда (21.06.2017 йилдаги ПҚ-3077-сон қарорнинг 1-банди).

Товарлар, ишлар, хизматлар текинга берилганда Ҳисоб-китобнинг 020-сатрида харид қилиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда харид қилиш қийматини ёки таннархни акс эттиринг.

Текинга олинган мол-мулк

030-сатр – Солиқ тўловчи томонидан бошқа шахслардан текинга олинган мол-мулк, мулк хуқуқлар, ишлар ва хизматлар (Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга киритилмаган).

Текинга олинган мол-мулк даромадларни ҳисобга олувчи счётларда ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди. Уни 8530-«Текинга олинган мол-мулк» счётида ҳисобга олинг ва жами даромадга киритинг (Йу-

риқноманинг 354-банди, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-илова).

Текинга олинган мулк хуқуқлар, ишлар, хизматлар бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди. Бироқ солиқ солиш мақсадида уларни бозор қиймати бўйича жами даромадга киритиш зарур (Солиқ кодексининг 135-моддаси).


Бозор қийматини қуйидагилар асосида аниқланг:

- жўнатиш, етказиб бериш ёки топшириш ҳужжатлари;
- етказиб берувчиларнинг прайс-варақлари;
- оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;
- биржа маълумотлари;
- давлат статистикаси органларининг маълумотлари.



Мол-мулк (мулк хуқуқлар, ишлар, хизматлар)ни текинга олаётганда етказиб берувчидан:

- уларни топшириш ҳужжатларида қийматини акс эттиришни;
 - топшириш «тўловсиз» амалга оширилаётганини кўрсатишни сўранг.
- Бу билан ташқи манбалардан бозор нархларини излашдан халос бўласиз.



РЕКЛАМА

ORMA

**«КИЧИК КОРХОНА
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таглимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган) келтирилган даромад ва харажатлар таснифига риоя этинг.

Молиявий натижа ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Салбий натижани Ҳисоб-китобнинг 010-сатрида айирув белгиси билан акс эттиринг.

Даромадга кирмайдиган тушумлар

011-сатр – Солиқ солиш мақсадида даромад сифатида эътироф этилмайдиган даромадлар (*Ҳисоб китобга 1-илованинг 010-сатри*).

Даромадга киритилмайдиган тушумлар ҳақида бу ерда ўқинг.



Ҳар бир товар турини реализация қилишнинг ҳар бир далили бўйича зарарни аниқлаш – **тўғри**.
Ҳисобот даврида барча товарларнинг жами реализацияси бўйича зарарни аниқлаш – **нотўғри**.

1-МИСОЛ. Ҳисобот даврида А ва В маҳсулотларини реализация қилиш қиймати – 10 000 минг сўм ва 20 000 минг сўм. Таннархи, тегишинча, – 12 000 минг сўм ва 19 000 минг сўм.

Реализация қилишдан кўрилган зарарни аниқлаймиз:

Кўрсаткич	Тўғри		Нотўғри	
	А маҳсулоти	В маҳсулоти	А маҳсулоти	В маҳсулоти
Реализация қилиш қиймати	10 000	20 000	30 000	30 000
Таннарх	12 000	19 000	31 000	31 000
Реализация қилишдан кўрилган зарар	2 000	–	1 000	–

Биринчи ҳолатда зарарни ҳар бир маҳсулот бўйича алоҳида аниқлаймиз. А маҳсулоти бўйича у 2 000 минг сўмни ташкил этди. Ушбу суммани Ҳисоб-китобнинг 020-сатрида акс эттираемиз. В маҳсулоти бўйича зарар мавжуд эмас.

Иккинчи ҳолатда иккала маҳсулот бўйича жами зарар аниқланган. 1 000 минг сўмлик зарар суммаси биринчи ҳолатдаги қараганда камроқ, сабаби А маҳсулотини реализация қилишдан кўрилган зарарнинг бир қисми В маҳсулотини реализация қилишдан кўрилган даромад ҳисобидан ёпилган. **Бу нотўғри!** Зарар суммасининг камайиши фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базанинг камайишига ва солиқнинг нотўғри аниқлинишига олиб келади.

2-МИСОЛ. Ҳисобот даврида А товари реализация қилинди:

10 донаси 1 000 минг сўмдан жами 10 000 минг сўмга;

10 донаси 800 минг сўмдан жами 8 000 минг сўмга.

А товарини сотиб олиш нархи – 900 минг сўм.

Реализация қилишдан кўрилган зарарни аниқлаймиз:

Кўрсаткич	Тўғри		Нотўғри	
	I битим	II битим	I битим	II битим
Реализация қилиш қиймати	10 000	8 000	18 000	18 000
Таннарх	9 000	9 000	18 000	18 000
Реализация қилишдан кўрилган зарар	–	1 000	–	–

Бир турдаги товар турли нархларда сотилган, шу сабабли реализация қилишдан кўрилган зарарни тўғри аниқлаш учун ҳар бир битимни алоҳида кўриб чиқамиз. Ушбу ҳолатда 1 000 минг сўм зарар кўрилган, у Ҳисоб-китобнинг 020-сатрида акс эттирилади.

Умуман А товари бўйича ҳисоб-китоб қилинганда зарар кўрилмаган бўлиб чиқади, сабаби биринчи битимдан олинган даромад иккинчи битимдан кўрилган зарарни қоплайди.

Бу нотўғри!

Товарни харид қилиш қийматини аниқлаш чоғида уни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олинг (АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сон БҲМСнинг 13-банди).

МИСОЛ. Товарни харид қилиш қиймати – 1 000 минг сўм. Товарни харид қилган воситачининг воситачилик ҳақи – 200 минг сўм.

Реализация қилиш қиймати – 1 100 минг сўм.

Таннархидан паст нархда реализация қилишдан кўрилган зарарлар

020-сатр – Товарларни (ишларни, хизматларни) таннархидан паст баҳоларда реализация қилишдан ва текин беришдан кўрилган зарарлар.

Ҳисобот даврида қуйидаги ҳолатлар юз берган бўлса, ушбу сатрни тўлдирасиз:

- товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш чоғида реализация қилиш нархи таннархидан ёки сотиб олиш нархидан паст бўлганда;

- товарлар, ишлар, хизматлар текинга берилганда (*Солиқ кодексининг 130-моддаси*).

- ҳисоб маълумотларини Ўзбекистон солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритади;

- ариза берилган кундан эътиборан 3 кундан кечиктирмай ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Шундай қилинмаган бўлса ҳам, ишлар бажарила, хизматлар кўрсатилган кундан доимий муассаса ташкил этилган деб ҳисобланади. Бу кунни белгилашнинг имкони бўлмаса, қуйидаги кунлардан бири доимий муассаса ташкил этилган кун деб ҳисобланади:

- контрактда кўрсатилган ишлар бажарила, хизматлар кўрсатилган бошланган кун;

- муайян контракт бўйича ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш мақсадида лицензия олинган бўлса, у амал қила бошлаган кун.

Норезидент бир неча шартнома асосида ЎзРда фаолият юритса, ҳар бир шартнома бўйича ДМни рўйхатдан ўтказинг ва ҳар бир ДМ бўйича алоҳида ҳисоб юритинг.



Солиқ органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаганлик учун, белгиланган 183 кундан ўтиб кетган бўлса, қуйидаги миқдорда жарима солиш назарда тутилган (*Солиқ кодексининг 113-моддаси*):
кўпи билан 30 кун – 50 ЭКИҲ;
30 кундан ортиқ – 100 ЭКИҲ.

ДМни рўйхатдан ўтказмагунингизча норезидент даромадларидан солиқни буюртмачи – даромад тўлаш манбаи ушлаб қолади. Бунда у солиқни фойдадан эмас, балки бутун даромадингиздан бошқа ставкаларда ушлаб қолади.

ДМни рўйхатдан ўтказган, тўлов манбаида тўланган солиқни норезидентнинг солиқ мажбуриятларини узиш ҳисобига ҳисобга оласиз (*Солиқ кодексининг 154-моддаси*).

Буюртмачи норезидентдан ортиқча солиқларни ушлаб қолмаслиги учун ДМни рўйхатдан ўтказган заҳоти норезидент доимий муассаса сифатида солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотномани буюртмачига тақдим этинг. Маълумотнома солиқ органларида тасдиқланган бўлиши керак (*Солиқ кодексининг 155-моддаси*).



Иккиқлама солиқ солишининг олдини олиш ва фойда солиғини тўғри ҳисоблаш учун 183 кун ўтишини кутмасдан доимий муассасани рўйхатдан ўтказинг.

Рўйхатдан ўтказиш зарурлигини аниқлаш учун норезидент ваколатли шахс ёки буюртмачи билан тузган шартнома мuddатига қаранг. У 183 кундан ошса, ДМни рўйхатдан ўтказишингиз мумкин.

ДМни рўйхатдан ўтказишингиз билан норезидент ДМ сифатида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги солиқ органларида тасдиқланган маълумотномани буюртмачига тақдим этинг. Унга асосланган ҳолда буюртмачи норезидентингизга даромад тўлаётганда солиқ ушлаб қолмайди.

ВАЗИЯТ.

Норезидент компания Ўзбекистонда ишга тушириш-созлаш ишларини бажармоқда. Шартномага асосан ишларни бажариш мuddати – январдан октябргача. Ишларнинг қиймати – 100 000 АҚШ доллари. Январь ойида 10 000 долларлик ишлар бажарилган. ДМ февраль ойида рўйхатдан ўтказилганлиги сабабли буюртмачи 10 000 доллардан 20% – 2 000 доллар ушлаб қолиб, уни бюджетга ўтказган.

Шартномани бажариш якуни бўйича норезидентнинг фойдаси 20 000 АҚШ долларини ташкил этди. Фойда солиғи 2 400 долларни (20 000 x 12%) ташкил этади.

Норезидент бюджетга 400 доллар (2 400 – 2 000) тўлаши лозим.

Корхона солиқ агенти сифатида

Корхонангиз бошқаларга даромад тўлаётганда мазкур даромаддан солиқни ушлаб қолиб, бюджетга ўтказиши, яъни солиқ агенти мажбуриятларини бажариши керак.

Куйидагиларни тўлаётганда корхонангизда шундай мажбурият юзага келиши мумкин:

- Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини доимий муассаса ташкил этмасдан амалга ошираётган норезидентларга даромадлар;

ВАЗИЯТ.

ЯСТ тўловчи корхона асбоб-ускуналарни монтаж қилиш хизматлари учун норезидентга даромад тўламоқда. Норезидент Ўзбекистонда ДМ сифатида рўйхатдан ўтмаган.

Корхона 20%лик ставкада солиқ ушлаб қолиб, норезидентга даромад тўламоқда.



Даромад олувчи солиқ тўловчи бўлишига қарамасдан, солиқларни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун жавобгарлик корхонангиз зиммасига тушади.

Олувчининг даромадидан солиқ ушлаб қолмасангиз, тўлов муддатини ўтказиб юборганингиз учун пеня билан бирга уни ўз ҳисобингиздан тўлашингизга тўғри келади (Солиқ кодексининг 165-моддаси).

Норезидент билан валютада ҳисоблашганда солиқ суммаси даромад тўлаш санасидаги МБ курси бўйича ҳисоблаб чиқарилади (Солиқ кодексининг 155-моддаси).

Норезидентдан ДМ рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида солиқ органлари томонидан тасдиқланган маълумотномани олгач, корхонангиз норезидентнинг даромадларидан солиқ ушлаб қолмай, даромадни тўлиқ миқдорда унинг счётига ўтказиши керак.

Норезидент бошқа мамлакат резидентлигига эгалигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган бўлса, солиқни ушлаб қолмаслик ёки пайсатирилган ставкада ушлаб қолиш лозим. Бунда Ўзбекистон ва норезидент юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган мамлакат ўртасида Иккиёқлама солиқ солишининг олдини олиш тўғрисида келишув тузилган бўлиши керак (Солиқ кодексининг 155-моддаси).

Дивиденд ва фоизларни тўлаётганда ҳам корхонангиз улардан солиқ ушлаб қолиб, уни бюджетга ўтказиши керак (Солиқ кодексининг 156-моддаси). Бу корхонангизнинг солиқ агенти сифатидаги мажбуриятдир.

- дивидендлар;
- фоизлар.

Ушбу даромадларни тўлаётганда корхонангиз тўлов манбаи сифатида улардан солиқ ушлаб қолиб, бюджетга тўлаши керак. Бунда корхонангиз солиқ солишининг қандай тизимидан фойдаланаётгани аҳамиятга эга бўлмайди.

Дивидендлар куйидаги кўринишда бўлиши мумкин (Солиқ кодексининг 22-моддаси):

- акциялар бўйича тўланадиган даромад;
- муассислар ўртасида тақсимланадиган соф ва (ёки) тақсимланмаган фойданинг бир қисми;
- корхона тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган ёки муассис томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилган ҳолда) олгандаги даромад;
- қўшимча акциялар кўринишида олинган даромад;
- тақсимланмаган фойдани устав фондиди кўпайтириш учун йўналтириш ҳисобига муассис улуши қийматининг ошиши кўринишида олинган даромад.

Дивидендлар муассисларга фақат пул маблағлари шаклида тўланмайди. Бироқ барча ҳолларда корхонангиз солиқ ушлаб қолиши шарт:

- резидентлардан – 5%лик ставкада;
- норезидентлардан – 10%лик ставкада.

ВАЗИЯТ.

Корхона муассислари тақсимланмаган фойданинг бир қисмини устав фондиди кўпайтириш учун йўналтиришга қарор қилдилар. Ушбу ҳолатда улар ҳақиқатда ҳеч нарса олмайдилар. Бироқ ўз қарорлари билан бошланғич капиталларини тақсимланмаган фойданинг бир қисми ҳисобига кўпайтирдилар. Устав фондиди кўпайтириш учун йўналтирилган сумма – дивидендлар бўлиб, улардан солиқ ушлаб қолиш керак.

Фоизлар – қарз талабларидан олинган даромад (Солиқ кодексининг 22-моддаси).

Масалан, корхонангиз бошқа корхонадан йиллик 18% эвазига қарзга пул олди. Фоизлар қарз берувчи корхонанинг даромади бўлиб, уни қарз олувчи корхонангиз унинг пулларида фойдалангани учун тўлайди.

Нафақат пул, балки бошқа ҳар қандай мол-мулк ҳам қарзга ёки вақтинчалик фойдаланишга берилиши мумкин. Ҳисобланган фоизлардан солиқ ушлаб қолишингиз ва

бюджетга тўлашингиз, фарқи эса қарз берувчига тўлашингиз керак. Ставкалар дивидендлар учун белгиланганидек миқдорда бўлади.

Куйидагиларга тўланадиган фоизлар бундан мустасно:

- Ўзбекистон резиденти бўлган кредит ташкилотларига;
- ижарага берувчиларга (лизингга берувчиларга) мол-мулк молиявий ижарага (лизингга) берилганда.

Улар олинган фоизлардан солиқни мустақил равишда ушлаб қоладилар.

Фойда солиғи ҳисоб-китоби

Тақдим этиш муддатлари

Фойда солиғи ҳисоб-китобини (1-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган) чорақда бир марта тузиб, куйидаги муддатлардан кечиктирмай солиқ органларига тақдим этинг:

- I чорақ учун – 25 апрель;
- II чорақ учун – 25 июль;
- III чорақ учун – 25 октябрь;
- IV чорақ учун – кейинги йилнинг 15 феввали (Солиқ кодексининг 163-моддаси).

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар IV чорақ учун ҳисоб-китобни кейинги йилнинг 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадилар (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом).

Доимий муассасалар (ДМ) Фойда солиғи ҳисоб-китобини йилда бир марта 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадилар. ДМ фаолиятини тўхтатганда фаолиятни тўхтатганидан кейин бир ой ичида Ҳисоб-китобни тақдим этади.

Ҳисоб-китобни тўлдириш тартиби

Фойда солиғи ҳисоб-китобини сўмда тўлдириш.

Барча кўрсаткичларни йил бошидан ортиб борувчи яқун билан акс эттириш. Масалан, II чорақ учун ҳисоб-китоб тузаётган бўлсангиз, жорий йилнинг I ярим йиллиги учун кўрсаткичларни акс эттирасиз.



Ушбу қоидадан истисно мавжуд. Йил давомида умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган бўлсангиз, умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган ойдан бошлаб барча кўрсаткичларни ортиб борувчи яқун билан акс эттириш.

Ҳисоб-китобнинг ҳар бир сатрини кўриб чиқамиз:

Солиқ тўлангунга қадар фойда (зарар)

010-сатр – Юридик шахслардан олинган фойда солиғи тўлангунга қадар фойда (зарар) («Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 2-сон шаклнинг 240-сатри).

Фойда солиғи тўлангунга қадар кўрилган фойда ёки зарарни аниқлаш учун:

- ҳисобот чорағидаги барча ҳужжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобидида акс эттириш;

- барча даромадлар счётларини ёпинг, реализация қилишдан тушган соф тушумни ва бошқа даромадларни аниқлаш;

- барча харажатлар счётларини ёпинг, реализация қилинган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархини ва давр харажатларини шакллантириш.

Молиявий натижаларни шакллантираётганда Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда (ВМнинг 5.02.1999

РЕКЛАМА

ORMA

**«СОЛИҚЛАР:
САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1А.

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

✓ ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

ИМПОРТ БОЖИ СТАВКАЛАРИ
ҚАНДАЙ МАҚБУЛЛАШТИРИЛАДИ

Жорий божхона божи ставкалари иқтисодийнинг реал сектори ривожланиши учун салбий таъсир кўрсатиши мумкин, дея хабар берилади Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг сайтыда.

Ҳозирги кунда товарларни импорт қилиш манфаатлироқ бўлиб қолмоқда. Настижада тармоқлар инвестициявий жозибдорлигини йўқотиб қўйиши ва тайёр маҳсулотни импорт қилиш йўлига ўтиб олиши мумкин.

Айни вақтда импорт божхона божлари ставкаларини қуйидаги принциплар асосида қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш бўйича ҳукумат қарорининг лойиҳаси тайёрланган:

- табиий хом ашё ва муҳим ижтимоий аҳамиятдаги товарлар учун (бошоқли ўсимликлар, ун, руда ва металл концентратлари) божхона божи ставкасини 0% қилиб белгилаш;

- хом ашё товарлари; республикада ишлаб чиқарилмайдиган товарлар; ижтимоий аҳамиятдаги товарлар; охириги 3 йилда олиб қирилмаган товарлар учун – 2-5% ставка;

- табиий-иклим шароитлари нуктаи назаридан уларни ишлаб чиқариш самарасиз ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга номувофиқ бўлган ярим тайёр маҳсулотлар ёки тайёр маҳсулотлар; республикада ишлаб чиқариладиган, лекин мавжуд талабни қондирмайдиган тайёр ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари; ишлаб чиқарилиши ортиб бораётган товарлар; инсон саломатлигига нисбатан салбий таъсир кўрсатувчи озиқ-овқат товарлари учун – 10-15% ставка;

- етарлича ҳажмларда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари; республикада талабни қондирмайдиган ҳажмларда ишлаб чиқарилаётган пировард истеъмолдаги тайёр маҳсулотлар; зёб-зийнат ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи биринчи заруратга эга бўлмаган буюмлар (тамаки ва алкогольли маҳсулотлар) учун – 20-30% ставка.

- етарлича ҳажмларда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари; республикада талабни қондирмайдиган ҳажмларда ишлаб чиқарилаётган пировард истеъмолдаги тайёр маҳсулотлар; зёб-зийнат ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи биринчи заруратга эга бўлмаган буюмлар (тамаки ва алкогольли маҳсулотлар) учун – 20-30% ставка.

Бу ўринда республикада ишлаб чиқарилмайдиган товарлар бўйича божхона божи ставкаларини пасайтириш назарда тутилмоқда: 5% дан 2% гача – 89 товар позициялари учун; 10% дан 5% гача – 79 позиция учун; 20% дан 2% гача – 7 позиция учун.

Шу билан бирга, бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, 2 818 номдаги товарлар бўйича бож миқдорлари ўзгаришсиз қолдирилади.

Божхона божларининг таклиф этилаётган миқдорлари ўрнатилганда ўртача арифметик ставка 9%ни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич амалдаги 5,6% қийматдан ошади, лекин 2017 йилдаги 14,9%дан анча кам. Бунда ноль ставка бўйича солиқ солинадиган товар позицияларининг миқдори 62,7% дан 40,1% гача қамаяди: олиб қирилмайдиган товарларнинг 2 500 дан ортиқ позицияларига илгари республикада қўлланилмаган 2% миқдордаги ставкада солиқ солинади.

Корея Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиш вақтида мустақамланган ўртача арифметик ставка – 16,5%, Исроилники – 22%, Индонезияники – 37,1%, Норве-

гияники – 20,1%, Ҳиндистонники – 48,5%, Исландияники – 24% ва Марокашники – 41,3%ни ташкил этган. Бундан ташқари, божхона божининг ноль ставкаси, масалан, ЕИДа 16,7%, Ҳиндистонда – 2,1%, ЕОИИДа – 15,8%, Туркияда – 37,5% товарларга нисбатан қўлланилади. Эронда эса ноль ставкаси умуман қўлланилмайди.

Ҳозирги босқичда божхона тарифларининг янги ставкаларини ўрнатиш юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариши ривожлантириш, импортни мақбуллаштиришни таъминлаш ва эркин савдо тўғрисида икки томонлама манфаатли битимларни тузишга замин яратиш учун қулай шароитлар вужудга келтиради.

Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши ички ва ташқи бозорларни, шунингдек, ташқи савдо тенденциялари ва нархлар конъюнктурасини мунтазам мониторинг қилади, бу эса ўрнатилган импорт божхона божлари ставкаларини қайта кўриб чиққан ҳолда ўзгаришларга тезкор жавоб бериш имконини беради.

БЕЛАНЧАКДЕК ЧАЙҚАЛАВЕРАМИЗМИ ЁКИ
МУВОЗАНАТНИ САҚЛАБ ҚОЛАМИЗМИ?

✓ МЕНДА ФИКР БОР

Фейсбук ва бошқа ижтимоий тармоқларда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг божхона божларини қайта кўриб чиқишга доир ўртага ташлаган мавзуси қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Ҳар қандай тарифларнинг ҳар қандай товарларга ҳар қандай йўллар билан бўлса-да, оширилишига қарши чиқаётганларнинг барчаси ўз мулоҳазаларини анчайин кескин билдиришган.

Айримлар ўз фикрини билдиришда очикчасига пичинг-киноялар қилишдан ҳам андиша қилишмаган. Баъзи мақолаларга келтирилган шарҳларда қуйидаги «ижод намуналарини» учратиш мумкин: «Яна ўша протекционизм...», «Бу – орқага қайтиши-ку...».

Сўрагинг келди – қаерга орқага, деб? Қанча йил орқага? Икки-уч йилгами? Антипротекционизмчи, бу орқага қайтишми ёки олға юришми?

Жавоб бераман: бу бирданига 90-йилларнинг бошига қайтиш деганми...

Эслайсизми?! Ёки хотирангиздан чиқиб кетдимми?! Ўқитувчилар бозорда сотувчилик қилишди. Малакага эга бўлган ва мутахассислиги бўйича ишламоқчи бўлганларга иш топилмади. Бутун мамлакат – ялпи савдо-сотик майдони айланганди.

Мустақиллик йилларида кўпроқ иш қилиш, пухтароқ куриш, ҳалоллик билан рақобатлашиш ва бошқаларни амалга ошириш, эҳтимол, мумкин эди. Бу бўйича баҳслашмайман.

Қолаверса, бизнинг ўзимиз (Божхона брокерлари уюшмаси) тарифларни пасайтириш тарафдори бўлиб чиққанми.

Шунингдек, акциз солиғи ставкаларини ЖСТ нормаларига мувофиқлаштириш таклифини ҳам берганми. Яъни бизга рисоладаги регулятор сингари ишловчи мувозанатлашган тариф керак бўлиб, у қатъий асосланган иқтисодий кўрсаткичларга таянмасдан оширилган (масалан, автотранспорт воситаларига ставкалар каби) бўлмаслиги лозим эди.

Бошқача айтганда, биздаги тарифлар қуйидагича таърифларга эга эди:

- юқори тариф (ташбех билан айтганда, уни 1,5 метрлик деворга ўхшатса бўлади);
- оқилона, барқарорлашган тариф (0,8 метрлик деворни кўз олдингизга келтиринг);
- ўтган йилдан бошлаб деярли нолга тенг бўлган тариф, лекин автосаноат ва электр техникаси маҳсулотига алоҳида, ниҳоятда юқори ставкаларни сақлаб қолган ҳолда (ажабтовур тушунарсиз девор: тақир ерда 1,5 дан 3 метргача, ҳатто баъзи жойларда 20 метргача қаққайтириб қўйилган гўлалар дейсиз).

Вазирлик нима таклиф этди

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ўртага ташлаган таклиф – оқилона, барқарорлашган тарифни жорий этиш учун орқага қайтишга (ха-ха, орқага қайтишга) бўлган уриниш.

Тўғри, вазирликнинг ёндашувида ҳам баъзи камчиликлар бор. Уларни бартаф эйтиш керак албатта! Ноль ставкали бож – ўзаро мурося ва келишувлар предмети ҳисобланади (масалан, эркин савдо зонаси дегандай).

Ўз вақтида етарлича мувозанатлашган тарифлар бор эди, ўшанда 1 фоизлик бож қўлланилиб, унинг ҳисобидан божхона божларининг 50%и йиғиларди. Бундай вазиятда айрим товарлар бўйича ставкадан юқорироқ «шилиб олиш» васвасига йўл бўлсин (вахоланки, бундай амалиёт бизда бўлганди: талаб-эҳтиёждан, ишлаб чиқарилишидан қатъи назар, нима олиб қирилса, ҳаммасига юқори ставка бож солинган – шунчаки, кўпроқ тўлов бўлсин деб). Афсуски, мувозанатлашган тарифлар узок амал қилмади, бунга анча замонлар ўтди.

Хулоса қилганда

Ўйлашимизча:

- вазирлик ўз концепциясида 0% ставкани қолдиришни таклиф этган жойда – 1%ни қўллаш зарур;

- ҚҚСни туширишни бошлаш лозим!

Бу икки таклифни биз 2017 йилнинг сентябридаёқ берганмиз!

Улар нима қилмоқчи

Бу вазиятда ўзини банд девор бўлиб тўсиб олиш васвасининг кучайиши эҳтимолдан холи эмас... Воқеалар ривожланишининг бундай истикболи бўлиши мумкин, лекин уни мақбул йўл деб бўлмади! Худди ҳозирда амалда бўлган тарифлар мақбул бўлмагани каби.

Мутасадди шахсларимиз масалага холис, оқилона, билим ва малака билан назар сола олишларига умид қиламиз, шунда сиз ҳам, кабоб ҳам қуймайдиан ўрталик топилади.

Бир томонга «оғиш» ҳолатларидан химояланиш учун эса давлат аппаратидагиларнинг қуйидаги оддий қондаларга риоя қилишлари кифоя:

- нафақат давлат органлари, балки бизнес, шу жумладан бизнес-уюшмалар вакиллари иштирокида тарифларни шакллантириш бўйича комиссияни тузиш керак;

- шу ўринда (мажбурий тарзда!) ҳам трейдерлар, ҳам товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарувчилари томонларнинг ўзаро тенглиги асосида майдонга тушиши лозим.

Божхона тарифини шакллантиришда оқилона муросяга эришилмас экан, мамлакатимиз бизнесининг бир қисмидан ажраб қолиш хавфи остида бўлади: ё трейдерлар сафини йўқотадди ёхуд ишлаб чиқарувчилар сафини.

Ваҳоланки, ҳар бир корхона – савдо бўлсин, ишлаб чиқариш корхонаси бўлсин – ортида одамлар туради, корхона уларни иш билан ва даромад билан таъминлаш манбаи ҳисобланади.

Арсен АЙРАПЕТЬЯНЦ,
Ўзбекистон Божхона брокерлари уюшмаси раиси.

✓ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

ИЛЛАТГА НИСБАТАН МУРОСАСИЗ БЎЛАЙЛИК

Ҳозирги глобаллашув, минтака ва давлатлараро интеграция жараёнлари жадаллашиб бораётган мураккаб бир шароитда коррупция чегара билмас муаммога айланди. Коррупция келтириб чиқараётган оқибатлар жамиятларни ич-ичидан емириб, пароканда қилиб ташлаш хавфини солмоқда.

Бугун катта-ю кичик, бой ва камбағал, қудратли ва кучсиз биронта давлатни коррупциядан холи ҳудуд, деб айтолмаймиз. БМТ ва Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, жаҳон иқтисодиёти бу офат туфайли йилга 1,5–2,6 трлн долларга зарар кўрмоқда.

Мамлакатимизда ҳам коррупцияга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борилмоқда. Хусусан, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ташкил этилиши ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурларининг қабул қилинганлиги юртимиз-

да коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (27.05.2019 йилдаги ПФ-5729-сон) бу борадаги изчил саъй-ҳаракатларнинг мантқиқий давоми бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад юртимизда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада ошириш, энг юқори даражадаги қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро май-

дондаги ижобий имижини ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Фармон билан 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилиниб, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиянинг янгиланган таркиби тасдиқланди.

Албатта, мазкур ҳужжат ижроси доирасида Давлат божхона қўмитасида раиснинг биринчи ўринбосари раҳбарлигида ва ҳудудий бошқармаларда беvosита бошқарма бошлиғи раҳбарлигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиялар ташкил этилди. Комиссия зиммасига бир қатор топшириқ ва вазифалар юклатилди, хусусан:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат ва идоравий дастурларнинг ба-жарилишини таъминлаш;

- божхона ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга,

тизимда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқи-лиши ва амалга оширилиши-ни ташкил этиш;

- божхона соҳасидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилиши-ни таъминлаш;

- тизимда коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотларни йи-ғиш ҳамда таҳлил этиш;

- божхона соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ва қонуности ҳужжатларни такомил-лаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- ҳар чоракда ДБҚ комис-сиясининг йиғилишларини ўтказиш, йиғилишда корруп-цияга қарши курашиш со-

ҳасида коррупциянинг хо-лати, кўпайиш суръатлари ҳамда тенденцияларини, кор-рупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг самара-дорлигини соҳалар ва йўна-лишлар кесимида ўрганиш ва танқидий баҳолаш.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, ДБҚ раиси ҳузурда Фармоннинг мазмун-моҳияти-ни тўлиқ тушуниш, унда қайд этилган мақсад ва вазифалар ижросини ўз вақтида таъмин-лаш юзасидан шахсий таркиб иштирокида видеоконферен-ция ўтказилди. Унда тизимда аниқланган ҳар қандай кор-рупцион ҳолатлар юзасидан бошқарувнинг вертикал ти-зими бўйича қатъий чоралар кўриш бўйича барча бўғин-даги раҳбарларга эслатмалар берилди. 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ижроси юза-сидан ДБҚнинг 36 банддан иборат «2019–2020 йиллар-га мўлжалланган коррупция-га қарши курашиш дастури» ишлаб чиқилиб, республика идоралараро комиссияси би-лан келишиб олинди.

М.ЮЛДАШЕВ,
Давлат божхона
қўмитаси Ўз хавфсизлиги
бошқармаси ходими.

✓ БОЖХОНА ВА ПСИХОЛОГИЯ

«ЭЛ НЕТИВ ТОПГАЙ МЕНИ...»

икки йўлакли тизим шароитида профайлинг
усулидан фойдаланиш самараси

Бугун божхона хизмати ҳар томонлама «ақлли» технологиялар билан қуролланмоқда, автоматлашмоқда, онлайн режимда ишлашга босқич-ма-босқич ўтмоқда. Мақсад аниқ – божхона тартиб-таомилларини сод-далаштириш орқали ТИФ иштирокчиларига ишлаш учун кўпроқ им-коният бериш, уларнинг божхона постларида ортиқча вақт сарфлаб туриб қолишларига йўл қўймаслик.

Кейинги йилларда қабул қилинаёт-ган қонун ҳужжатлари ҳам ана шу мақсадга қаратилган. Хусусан, Ва-зирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларида икки йўлак-ли тизимни қўллаш тартиби тўғриси-даги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (11.10.2017 йилдаги 814-сон) ҳам Ўзбекистон Республикаси Бож-хона кодекси ва Президентнинг «Ўз-бекистон Республикасини янада ри-вожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармо-нига (7.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон) мувофиқ фуқароларни божхона расмийлаштиришдан ўтказиш шароитларини жаҳон стандартла-рига мувофиқлаштириш, божхона расмийлаштириш соҳасидаги самарали усулларини

қўллаш, шунингдек, туризмини ри-вожлантириш учун янада қулай ша-роитларни яратиш мақсадида қабул қилинган эди. Бу саъй-ҳаракатлар постдан ўтувчилар учун ҳар қанча энгиллик яратмасин, лекин хавфсиз-лик борасида божхоначилардан кўп-роқ масъулият ва сергаклиқни талаб қилади. Минглаб постдан ўтувчилар орасидан айна жиноятчини топши божхона ходимидан инсон руҳия-ти, психологиясини билишни тақозо этади. Божхона ходими икки йўлак-ли тизим шароитида божхона че-гасини кесиб ўтаётган фуқароларни танлаб, шубҳали хатти-ҳаракатлар-ни амалга ошираётганларни божхо-на назоратидан ўтказиши, улар би-лан мулоқотга киришиши, мулоқот самарадорлигига эришиши, фуқа-роларни сўраб-суриштириши ва шу



жараёнда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари-ни аниқлаши лозимдир.

Божхона органларининг ўзгариш-ларга бой фаолияти ҳар бир ходим-дан психологик ҳодисалар қонуният-ларини билиш ва шунга мос тарзда оқилона иш юритиш заруратини та-лаб қилмоқда. Зеро, божхона соҳаси ўзининг мураккаб, комплекс хусусия-тига кўра турли мазмун ва тоифада-ги психологик ҳолатларни ўрганиш-ни тақозо этади.

Божхона ходими янги давр пси-хологияси талабларига мос равиш-да, аввало, ўзини, ўз психологик им-кониятларини билиши, бу борадаги камчиликларини бартараф этиши лозим. Шунингдек «ён-атрофдагилар» ва уларнинг психологиясини яхши билиши, божхона чегараси-дан ўтаётган фуқаролар билан му-

лоқот ўрнатиши ва уларни божхона назоратидан ўтказишда психологик тактикадан самарали фойдалана би-лиши лозим.

Ҳозирги кунда дунё ҳуқуқни му-хофаза қилиш органлари фаолият-ида хавфларни таҳлил этиш учун психология усулларидан бири бўл-ган профайлингдан кенг фойдала-нилмоқда.

Профайлинг – инглизча «profile» сўзидан олинган бўлиб, профиль, со-ҳа, йўналиш маъноларини англата-ди. Профайлинг йўловчининг соҳа-си, йўналишига асосланади. Унинг асосий методологияси жиноят содир этган ёки содир этишга қасд қилган шахснинг ташқи кўриниши, ўзини тутиши, вербал ва невербал хулқ-ат-вори, хусусий белгилари билан та-всифланади. Мавжуд маълумотларни

ТАДКИКОТ

СТАВКАЛАР «ОСМОНДАН ТУШАДИ»МИ?

божхона божи ставкаларининг иқтисодий ривожланишга таъсири қандай?

Маълумки, мамлакатимизга товарлар божхона чегарасидан олиб кирилганда амалдаги қонунчиликка асосан белгиланган ставкаларда божхона тўловлари ундирилади. Хўш, мазкур ставкалар ким томонидан белгиланади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (28.01.2019 йилдаги ПҚ-4135-сон) билан мамлакатимизда божхона божлари ставкаларини белгилаш ва ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда нотариф тартибга солиш чора-тадбирларини кўллаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда тақлифларни ишлаб чиқиш вазифаси Вазирлик ҳузуридаги Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши зиммасига юклатилган.

Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюд-

жети параметрлари ҳамда 2020–2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарори (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон) билан мамлакатимизда божхона тариф ставкалари камайтирилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда божхона божлари миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги қарор бозорнинг ушбу маҳсулот билан таъминланганлиги ва истеъмолчига қайси нархда этиб бориши каби жиҳатлар бағафсил ўргангандан кейин амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида божхона божи ставкаларининг ўртача арифметик қиймати 5,6%ни, МДХ ва Евроосий Иқтисодий Иттифоқи аъзо давлатларда эса 8,8%ни ташкил қилади.

Мамлакатимизга олиб ки-

риладиган товарлар ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига (ТИФ ТН) мувофиқ 11 295 та позицияга тақсимланган бўлиб, шулардан 7 096 та товар позициясига божхона божи ставкаси «0» қийматда, 2 127 та товар позициясига 10%, 1 287 та товар позициясига эса 20–30% ва 27 та товар позициясига 70% этиб белгиланган.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа бир қатор идоралар тариф сиёсатини босқичма-босқич ўзгартириб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиюсига ўз маҳсулотини сифатини яхшилашга ҳамда тариф ва нотариф таъсирларини яқиний босқичда халқаро бозорга уйғунлаштиришга ҳаракат қиладилар.

Маълумки, ҳозирда Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлишга тайёргарлик кўрмоқда, биз ушбу ташкилотнинг таърибасини ўрганмоқдамиз. Бу ташкилотга аъзо мамлакатлар ЖСТ белгилаб бер-



ган талаблар асосида ягона тариф ставкаларини белгилайди. Шунинг учун аъзо мамлакатлар тариф усуллари, яъни божхона ставкалари орқали импортни тартибга солиш имкониятига эга бўлмай, нотариф усуллардан кенг фойдаланишга мажбур бўлишади. Шу сабабли ма-

ҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатлар турли молиявий, техник, маъмурий, кредит ва савдо сиёсати, шунингдек, маълум бир лицензиялар ва сертификатлар орқали ўз иқтисодиётларини фаол ҳимоя қилмоқдалар.

Азизжон АБДУЛҒАЙЗОВ,

Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби тингловчиси.

таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали шахснинг жиноятга дахлдор-дахлдор эмаслиги аниқланади.

Профайлинг жиноятга қасд қилган шахс, аниқроғи унинг потенциал хавфи ҳақида объектив маълумот олиш имконини беради. Ушбу усулнинг психологик қонуниятлари ва механизмлари божхона хизмати ходимлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Бу усул ёрдамида божхоначи психология қонуниятларига таянган ҳолда шахсларо муносабатга киришади. Профайлинг жараёнида ходимнинг билиш сифатлари (хотира, диққат, идрок, сезги, тафаккур, хаёл) иштирок этади. Бу жараёнлар ходимнинг мантқиқий фикрлаши, ҳолатни ўтмишдаги вазият билан боғлаши, ўзаро солиштириш ва қиёслаш малакаси, объект ва шарт-шароитни мукамал идрок этишига ёрдам беради. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, у қисқа фурсат ичида шахс ҳақида тўлиқ ахборот беради.

Профайлинг усули инсонларнинг айнан профиль кўринишлари ва улар ҳулқ-атворининг тузилишига қаратилган ва уни ўрганишга йўналтирилган тадқиқот соҳасидир. Профайлинг усулининг методологик асосини айнан инсонларнинг ноодатий ҳаракатлари, ташқи кўринишидаги баъзи белгилари, ўзларини туттишлари, гапириш оҳанги, суръати ва бошқа хабар берувчи аъзоларининг ўзига хос хислатлари ташкил этади. Масалан, ходим бирор-бир контрабанда ашёсини пост орқали олиб ўтмоқчи бўлган шахснинг юз профли, умумий ва хусусий ҳаракатлари, ҳужжатлари, олиб ўтаётган буюмларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш орқали «мижоз»нинг хавфли ёки хавфли эмаслигини тезда баҳолаши керак.

Божхона хизмати ходимлари фаолиятида профайлинг усулидан фойдаланишдан асосий мақсад – фуқаролар билан уларнинг ўзига хос хусусиятларини вербал ва невербал мулоқот воситаларидан фойдаланган ҳолда аниқлаш ва унга қараб психологик таъсир этиш механизминини ишлаб чиқишдан иборат.

Таъкидлаш керакки, шубҳали шахсларнинг хатти-ҳаракатини кузатиш, уларга саволлар бериш, экспресс-психодиагностика қилиш,

уларнинг хатти-ҳаракатидаги нормадан оғишларни қайд этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода профайлинг тизимининг божхона органлари фаолиятидаги аҳамияти куйидагиларда намоён бўлади:

- божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган шахсларни назоратдан ўтказиш;
- давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш;

Бир сўз билан айтганда, икки йўлакчи тизимда божхона хизмати ходимлари фаолиятида профайлинг усули фарқлолда вазиятларда ҳиссий ҳолатларни бошқариш ҳамда шубҳали шахсга қарши таъсир кўрсата олиш қобилиятини шакллантиради.

Мирзаакрам ҚОДИРОВ,

Божхона институти «Тил ва психологик тайёргарликни ривожлантириш» маркази ўқитувчиси.

ЭЪЛОН

«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади!

Савдога Музработ тумани Бандликка кўмаклашиш марказига тегишли бўлган, Музработ тумани. Она дийёр кўчаси. 4-уй манзилида сақланаётган, «ТИКО» русумли, 1997 йилда и/ч, бошлангич баҳоси – 1 342 000 сўм, д/р 75 071 LAA, қизил рангли (красный), техник ҳолати носос бўлган автотранспорт такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2019 йил 31 июль соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Мазкур мулк 2019 йил 31 июль кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2019 йил 15 ва 30 август кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 31 июль учун 29 июль кунини, 15 август учун 13 август кунини ва 30 август учун 28 август кунлари соат 18.00 тўхтатилади.

Савдо қилини деб топилган шахсга 10 банк иш кунини ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилишида белгиланади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SMM» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729 хисобрақамига тўлашлари шарт. Ариза (галабнома)ларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Баркамол авлод кўчаси 19-уй. Тел: 76 223-15-82. 972-сонли сувоҳнома.



✉ ПОЧТА ҚУТИСИ

ОМБОР ТУГАТИЛГАНДА ТЎЛОВЛАРНИ ҚАЙТАРИШ

? *Ташкилотимиз божхона омборининг эгаси ҳисобланади, уни тугатмоқчимиз. Божхона олдиди қандай молиявий мажбуриятларни бажаришимиз керак? Омбор таъсис этилганда киритилган таъминот суммасини бизга қайтардиларми? Келгусида юкларни божхона омбори божхона режимига жойлаштиришмоқчимиз, бироқ божхона омбори мақомига эга бўлмаган компаниямизнинг омборхонасида сақламоқчимиз. Бундай амалиёт қўлланилишидан хабаримиз бор. Бунинг учун божхонага қандай ҳужжатларни жўнатишимиз зарур?*

– Божхона омбори божхона назорати остида турган товарларни сақлашга мўлжалланган, махсус ажратилган ҳамда жиҳозланган бино ва (ёки) очик майдончадан иборатдир.

Божхона омборлари фойдаланилишига кўра, ҳар қандай шахс фойдаланиши учун очик омборлар бўлиши ва муайян шахслар, қоида тариқасида, омбор эгаларининг фойдаланиши учун мўлжалланган ёпиқ омборлар бўлиши мумкин (БКнинг 173-моддаси).

Божхона омборининг фаолиятини лицензиялаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ДБК томонидан амалга оширилади, у божхона омборларининг реестрларини юритади, улардаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради (БКнинг 176-моддаси).

Назорат қилиниши божхона органларига юклатилган божхона омбори фаолиятини амалга ошириш учун божхона тўловлари тўланишини таъминлаш тақдим этилади – агар божхона омбори сифатида очик майдонча маълум қилинаётган бўлса, 1 кв.м майдон учун 5 ЭКИХ миқдориди ёки агар божхона омбори сифатида бино маълум қилинаётган бўлса, бинонинг 1 куб метр ҳажми учун 1 ЭКИХ миқдориди, лекин 2 000 ЭКИХ кам бўл-

маган сумма миқдориди – божхона омбори эгалари учун (БКнинг 338-моддаси).

Тугатиш чоғида молиявий мажбуриятлар

Божхона омборини тугатиш лицензиянинг амал қилиши тугатилган ёки у бекор қилинган тақдирда амалга оширилади. Тугатилган санадан эътиборан унда сақланаётган товарларга вақтинча сақлаш божхона режимда турган товарлар сифатида қаралади. Улар тугатилган кундан эътиборан 15 календарь кун ичида бошқа божхона омборига ўтказилиши ёхуд бошқа божхона режимига жойлаштирилиши керак.

Божхона омбори тугатилган тақдирда, худди шунингдек лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганда товарларни сақлаш учун жойлаштиришга ва уларни реализация қилишга йўл қўйилмайди.

Тугатилаётган божхона омборида товарларнинг вақтинча сақлаш божхона режимда туришининг умумий муддати 60 кундан ошмаслиги керак.

Лицензиянинг амал қилиши тугатилиши муносабати билан божхона омбори тугатилган тақдирда уларнинг эгаларидан тугатиш санасидан эътиборан божхона органлари томонидан таъсис этилган божхона омборлари учун белгиланган, **товарлар сақланганлиги учун божхона йиғимлари** ундирилади.

Лицензия бекор қилинганлиги муносабати билан омбор тугатилган тақдирда божхона омборининг эгаси олиб қирилган, шу жумладан, чиқариб юборилган товарлар турган бутун даврга божхона органлари томонидан таъсис этилган божхона омборлари учун белгиланган, **товарлар сақланганлиги учун божхона йиғимларини** тўлаши шарт (БКнинг 177-моддаси).

Омбор тугатилгандан кейин божхона тўловлари тўланишини таъминлаш сифатида божхона органи депозитига киритилган пул маблағлари уларни қиритган юридик шахсга қайтарилади. Қайтариш тартиб-таъмили ва шартлари Божхона кодексининг 49-бобида белгиланган.

Божхона омборидан ташқарида сақлаш

Божхона омбори божхона режимига жойлаштирилган товарни божхона омбори ҳисобланмайдиган жойларда сақлаш мумкин. Бу БКнинг 93-моддасида назарда тутилган.

Олиб қирилаётган ёки олиб чиқилаётган товар божхона омбори ҳисобланмайдиган жойда тургани ҳолда божхона омбори божхона режимига қўйидаги ҳолларда ваколатли шахснинг аризасига кўра жойлаштирилади:

**Ушбу шартларга риоя этиши ҳарбий юкларга, инсонпарварлик ёрдами, техник қўмак сифатида олиб қириладиган товарларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномалари бўйича халқро ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарз (кредит) маблағлари, грантлар ҳисобидан олиб қириладиган товарларга, шунингдек олиб қирилаётган Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига, чет эл валютасига нисбатан татбиқ этилмайди.*



- товар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унинг ташқи ўлчамлари, физик кўрсаткичлари туфайли ёки кимёвий хоссаларига кўра ёхуд сақланишига доир алоҳида шартлар қўйилиши туфайли божхона омборига жойлаштирилиши мумкин бўлмаса;

- товар етказиб бериладиган жойда божхона омбори мавжуд бўлмаса.

Бунда товар ана шундай шаклда сақланаётганда куйидаги шартларга риоя этилиши лозим:

- БКнинг 47-бобида мувофиқ божхона тўловлари тўланишини таъминлаш тақдим этилганлиги*;

- товар билан боғлиқ юк операцияларини бажаришга, шунингдек уни исталган бошқа жойга кўчиришга божхона назорати остида йўл қўйилиши;

- божхона омбори божхона режимда турган даврида товарни ундан фойдаланиши ва уни тасаруф этиш учун бошқа шахсларга ўтказишга йўл қўйилмаслиги, бундан БКнинг 96-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Маълумот учун. Божхона омбори мақомига эга бўлмаган жойларда сақланаётган товарларга нисбатан божхона тўловлари тўланишини таъминлашнинг миқдори эркин муомалага чиқариши (импорт) божхона режимига жойлаштириши маълум қилинганда тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг ва фоизларнинг суммасига мос бўлиши керак (БКнинг 337-моддаси).

Товар тегишли божхона режимига жойлаштирилмаган ҳолда йўқотилган ёки бошқа шахсларга бериб юборилган тақдирда божхона тўловларини тўлаш олиб қирилаётган товар божхона омбори ҳисобланмайдиган жойда туравергани ҳолда уни божхона омбори божхона режимига жойлаштирган шахс томонидан амалга оширилади.

ЭЪЛОН

«ЖАВОБ БЕРАМИЗ» ИНФОКИОСКИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

Солик солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскисидан топасиз.

Саволларни куйидагича бериш мумкин:

✓ *аввал norma.uz сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўришида жўнатган ҳолда;*

✓ *(71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).*

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

<p>СОЛИК & ХАБАРЛАРИ БОЖХОНА</p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқиди.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</p> <p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p>	<p>Адабий муҳаррир Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета нашри – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базада терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоқ би-чими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳоси қилишилган нарҳда. Буюртми r-715. Адади 800. Газета 2019 йил 12 июль соат 18.00 да топширилди.</p>
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------